Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1996 йил, 16 январ | 3(32)- сон

ҚАРДОШЛИК ҚУВВАТИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бугун Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзовнинг таклифига биноан Туркманистонга амалий ташриф буюради

Куни кеча матбуотда Туркманистон Республикасининг иқтисодий-сиёсий ҳаётига доир учта хабар ўқидим:

Биринчиси, Туркманистонда пул ва қимматбаҳо қоғозлар ишлаб чиқарувчи корхона қурилишда инглиз мутахассислари иштирок қиладиган бўлишибди. «Барклайз-банк» президенти жаноб Роберт Уэйн Жерри бу ҳақда Туркманистон телевидениесида сўзлаб, мамлакатда олтин заҳираларини излаб топиш ва олтин ишлаб чиқаришда ҳам ҳамкорлик қилиш умидини билдирди...

Иккинчиси, мамлакат умумий даромадининг саксон фоизи давлат сектори зиммасида. Бюджетга қўшиладиган даромаднинг учдан бир қисми табиий газни экспорт (четга сотиш) орқали топилади. Бу йил газ сотиб, 1 миллиард 900 миллион доллар фойда кўриш мўлжалланмоқда. Истеъмолчилар нақд пул топиб бера олмаётгани учун 40 фоизини валютада, 60 фоизини товар-мол билан тўлаш келишилган...

Учинчиси, мамлакатнинг қонун чиқарувчи Олий маҳкамаси — Халқ Маслаҳати йиғилишида мамлакатнинг 1996 йилги давлат бюджети тасдиқланди. Унга кўра сарф-харажатлар 481,8 миллиард манатни (манат — мамлакатдаги пул бирлиги), даромад эса 461 миллиард манатни ташкил этиши кўзда тутилган...

Нима учун бу рақамларни келтиряпман? Иқтисодий янгилик, хабарларни, ҳисобдонлар шуғулланадиган сон, рақам, хомчўт, режаларни тилга олиш, шулар орқали мамлакат ҳаётини тасаввур қилиш шунчалик зарурми?

Ҳа. Дунё бугун ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар тўла бўлиши учун иқтисодий миқёсларни рақамлар йили ила баён қилишни ўқтирмоқда.

Маълумки, бундан тўрт ярим йил муқаддам СССР деб номлани бу мамлакат олдида ҳам рўй-рост қад ростлаб турди. Шуқрки, орадан ўтган тўрт йилнинг ўзи кўп нарсаларни жой-жойига қўйди. Сиёсий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳаёт жараёнларига равшанлик киритди. Аниқроқ қилиб айтганда, Туркманистон тараққиёт сари ўз йўлини танлади. Мамлакат Президенти Сапармурод Ниёзов — Туркманбоши раҳбарлигида «ўн йил фаровонлик» эълон қилинди, республика иқтисодий равнақини таъминлашга қаратилган уч йиллик Мақсаднома (режалар дастури) ишлаб чиқилди. Янги демократик туркман давлатини қуриш ва мустаҳкамлаш, чет эл сармояларини олиб кириш, қўшма корхоналар бунёд этиш, молиявий тенглик ва халқ турмушининг ночорлашувига йўл қўймаслик учун қатор чоралар кўрилди. Маҳкама, корхона ва муассасалар учун «очиқ эшиклар» иқтисодий-маърифий сиёсати ижобий натижалар бера бошлади.

Сапармурод Туркманбоши Халқ Маслаҳатининг 1994 йил 26 декабрдаги йиғилишида чет эллар билан ҳамкорликда қилинаётган ишлар ҳақида гапириб шундай деган эди: «Юртимизда саноат, сотсиал, маданий ва коммунал йўналишдаги 248 объект тикланмоқда. Қурилиш майдонларида туркман корхоналари билан бирга, дунёнинг 26 мамлакатидан 71 фирма иштирок қилмоқда. Келишилган шартномалар бўйича сармоя ажратишнинг умумий миқдори 3 миллиард АҚШ долларига тенгдир». Ўтган бир йил мобайнида бу рақамлар янада салмоқлироқ бўлиб қолганига шубҳа йўқ. Зеро, ҳаётнинг ўзи фаолликни, ҳамдам-ҳамнафасликни, биргалашиб ҳаракат қилишни тақозо этаётир. Олдинда эса жуда катта, кенг миқёсли ишлар ўз навбатини кутиб турибди. Чунончи, Туркманистон ўз табиий гази ҳамда нефтини Эрон, Туркия орқали Европага олиб чиқадиган йўл солиш тадорикига киришди. Тожикистондан (Норак) келтириладиган электр қувват билан саноатнинг янги тармоқларини бунёд этиш ва ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Туркманистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар юртбошилар учрашувидан сўнг янада мустаҳкамланиб, иқтисодий, маданий алоқаларимизда янги-янги ютуқлар очилишига ҳам шубҳа йўқ. Зеро, ўзбек ва туркман халқлари минг йиллар мобайнида ёнма-ён, елкама-елка яшаб келганлиги, маърака-тўйи бир, фикр-ўйи бир, илдизи бир халқлар эканлиги дунёга кундай аён. Навоий ва Озодий орзулари, Махтумқули ва Машраб тутёнлари, Ҳамза ва Дурди Қиличнинг оловли йиллардаги ҳамкор-ҳамнафаслиги, Қайғисиз Отабоев ва Файзулла Хўжаев, Айтеков ва Акмал Икромовнинг миллий давлатчилик тузиш йўлидаги совурилган умидлари, Берди Кербобоев ва Ойбек, Ғафур Ғулом ва Керим Қурбоннафасовларнинг дўстликни куйлаган оташин мисралари ҳар икки халқ ижодкорларини яқинликка чорлайди, зиёлилар елкасига шарафли масъулият юклайди.

«Қардошсизда қувват йўқдир», — деб каромат қилади Махтумқули. Қардош туркман адабиёти намуналаридан ўзбек тилига таржима қилиб туркман маданияти ва санъатини Ўзбекистонда тарғиб этиб юрган бир камтарин таржимон ижодкор сифатида мен икки мустақил давлат раҳбарининг бугун ўтадиган муҳим учрашувидан беиҳоя хурсандман. Тўғрисини айтганда, Бердиназар халифанинг ҳикматли нутқлари, Тиркиш Жумагелдининг янги тарихий романлари, Отамурод Отабойнинг эрка сархуш мисралари, Қақабойнинг, Баҳоройнинг, Хўжанафас, Отажон Тоғон, Ғузалойларнинг янги асарлари, Оллош бувам гижжагининг мунгли садоларини, Жемалқизнинг кўнгилни кўкларга етаклаб кетувчи дилрабо қўшиқларини соғиндим, жуда соғиндим. Раҳбарларимиз шундай дийдорлашиб турсалар, халқларимизнинг ҳам кўнгли ўсади, бири бирини яхшироқ англайди, бири бирига тобора яқинлашиб келади. Иншоаллоҳ, умид—инсондан, ижобат — Раҳмондандир.

Музаффар АҲМАД

Марғилон «Ёдгорлик» хусусий жамоа корхонасининг илғор ишчиси Маҳфуза Мадалиева

Ш.Олимов сурати

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИ РЕДАКЦИЯСИГА ТЕЛЕГРАММА!

Андижон вилояти Бўз туманидаги Саида Зуннунова номидаги билим юрти ўқитувчи ва ўқувчиларининг 50 нафари «Миллий тикланиш»га обуна бўлдилар. Газетангиз бизга ёқиб қолди.

Ижодий муваффақиятлар тилаймиз!

Билим юрти директори Тўлан НИЗОМ

Партия ҳаёти

ФАРҒОНАДА ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ

Яқинда Фарғона вилоятида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг Фарғона шаҳар ташкилотининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда Фарғона шаҳар Соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Шавкат Ҳусанбоев, шаҳар партия ташкилотининг раиси, Ёшлар ва ўсмирлар ижодий марказининг директори Мирза Аҳмадалиев, раис ўринбосари, Ойбек номидаги маҳалла фуқаролар қўмитаси оқсоқоли Раҳматжон Ҳакимов тафтиш ҳайъати раиси этиб сайландилар. Қурултойда Фарғона вилояти партия ташкилотининг Кенгаш раиси Комилжон Мирзаев, Фарғона шаҳар ҳокимининг биринчи муовини Муҳаммаджон Хўжаев ва ҳоким муовини А. Қодиров иштирок этишди.

Фарғона вилояти партия ташкилотининг Кенгаш раиси Комилжон Мирзаев партия олдида турган вазифалар ҳақида маъруза қилди.

ФОТИМА ИКРОМОВА

Сафга тур, қўшиғимиз!

ҚЎШИҚ ШЕЪРДАН БОШЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон ватаним маним» мавзусида қўшиқлар кўрик-танлови ҳақидаги қарорни ўқиб, қарорда кўрсатилган талабларга жавоб берадиган шеърлар борми? — деб мулоҳаза юритдим.

Маълумки, ҳар қандай қўшиқ шеърдан бошланади, яхши шеър мени танла, музикага яхши тушаман деб шайланиб туради.

Ана шундай шеърлардан бири Эркин Воҳидовнинг («Шарқ юлдузи» журналининг 1995 йил 1-2 сентябрларида муштарийларга тақдим қилинган) «Масканим Фарғона» шеъридир. Шеър муаллифнинг машҳур «Ўзбегим» қасидаси билан ҳамоҳанг, уни ўқиганда водийнинг воқеаларга бой, мустақиллик учун кураш тарихи кўз ўнгингиздан ўтади; иккинчидан, Фарғона табиатининг жозибаси «Қўҳна Туркистон садаф бўлса, у ер дурдонадир; Шеърият таърифида уйқудаги жононадир» сатрларида ўз ифодасини топган. Учинчидан, Фарғона кишиларнинг менат соҳасидаги бетакрор булоқ каби қайнаб турадиган жасорати, ғайрати, ҳамкорлиги қуйидаги сартларда ифодаланган:

Чин парилар маскани, Зуҳраю Тоҳирлар ери,
Олиму шоир, ҳунарманд, фазли нодирлар ери.
Кўп ажиб мўъжиза бунёдига қодирлар ери
Кифтда тўн, белда қийиқ, марду баҳодирлар ери...

Бу мисраларни ўқир эканмиз, 1940 йилда Жанубий Фарғона канали қурилишида иштирок этганим хотирамда намоён бўлди, канал қурилишда чарчашни билмасдан ер қазиган меҳнаткашлар кўз ўнгимда жонланди.

Шеърни ўқиганда ҳали унга куй басталанмаган бўлса ҳам, мусиқа садолари қулоғингизда эшитилади. Мен шеър асосида фақат қўшиқ эмас, балки хор учун ҳам мусиқа яратиш керак, деб бастакорларга таклиф қилган бўлардим. Умуман, яратилаётган қўшиқлар матнини муштарийлар кенг муҳокама қилсалар, фойдали фикр алмашув бўлар эди деган фикрдаман.

Ҳикмат СОБИРОВ, профессор

Кўҳна ҳикматлар

Конфуций айтган экан...

Конфуций Чин ўғли. Дунё донишмандлигининг булоғи. У мелоддан илгариги 551 — 479 йилларда яшаган. Чиннинг мумтоз насрий сўзи Конфуцийдан бошланади. У Шарқ фалсафасининг энг қадим бобокалони. Устозларнинг устози. Дарвоқе, устоз ва шогирд деган тушунчалар ҳам оламда Конфуцийдан бошланади дейилса, хато бўлмайди. Гарчи унинг муқим шогирдлари сони етмиш иккита эса-да, лекин ҳар дамда унинг ортидан эргашиб юрадиганларнинг сони уч мингдан ортиқ бўлган. Улар Конфуций айтган сўзларни қадам-бақадам ёзиб олишган ва тарқатишган. Конфуций ўз ҳикматларида давлат, адаб ва ахлоқ — инсон муносабатларига тўхталади. Унинг ҳикматларини адаб ва муомалалар жумулжами деб айтиш мумкин. Конфуцийнинг ҳикматлари бундан икки ярим минг йил илгари «Лунюй» — «Суҳбатлар ва муҳокамалар» деб номланган ажойиб бир китобга жамланган. «Лунюй» бутун чин заминни ва қолаверса, инсониятни тарбия қилган китобдир.

У инсон онги ва қалбидан худди Сомон йўли сингари ўтган ва ўзгармаган, ўз қимматини йўқотмаган. Бугун маънавий-маърифий давлат қураётганда, Конфуций каби донишмандлар бизга ҳам мададга келади ва қалбларимизни содда, лекин ўлмас ҳикматларининг нури билан ёритади.

Шуни назарда тутиб, «МТ» Конфуций ҳикматларидан бир шингилдан ёритиб боришни мақсадга мувофиқ деб топди.



БИРИНЧИ ФАСЛ

1. Устоз айтарди:

— Ўқиш ва ўқиганларингни доим такрорлаб туриш — ахир бундан ҳам гўзалроқ нарса борми! Агар олисдан биродаринг келса — бундан ортиқ шодлик борми! Уни тушунмайдилар, у эса хафа бўлмайди — ахир у ҳақиқий эр йигит эмасми!

3. Устоз айтарди:

— Сўзамол бўлганлар ўзлари кўҳлик кўринганлари билан камдан кам пайтларда одамий бўладилар.

4. Сзен-сзи айтарди:

— Мен ҳар куни бир неча маротаба ўзимни ўзим тергайман — маслаҳатларим етарлича самимийкин? Дўстларимга етарлича садоқатлиманми? Устоз васиятларини тўла адо этяпманми?

14. Устоз айтарди:

— Ҳақиқий эр таомдан тўқлик қидирмайди, уйдан қулайлик изламайди. У ишларга ғайрат билан уринади ва оз сўзлайди. Яхши одамлар билан юрганда, уларга қараб ибрат олади — мана шундай одамларни таълимга рағбатли экан деб айтса арзийди!

16. Устоз айтарди:

— Одамлар мени тушунмасалар хафа бўлмайман, — лекин мен одамларни тушунмасам, хафа бўламан.

ҚАДДИНГНИ РОСТЛАЙВЕР, ОНА ТИЛИМ!

Ҳар бир халқнинг тили ўзи каби жонлидир. У ҳам ўсади, ривожланади. Жонли тил шу сабабли ҳам ўзини ўзи янгилаб боради. Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилингандан бери ўтган давр, она тилимиз ҳаётида ўзига хос тараққиёт босқичи бўлди. Кенг халқ оммаси ўзбек тилининг унутила бошлаган сўзларини — атамаларини қайтадан ёзма ва оғзаки нутқда қўллай бошлади. Байналмилал атамаларнинг ўзбекча муқобилини излаш умумхалқ ҳаракатига айланиб кетди. Натижада чуқур тарихий заминга эга бўлган жуда кўплаб ўзбекча атамалар қайта ҳаётга келди. Шу билан бирга тилимизда ўзбек тили қонуниятларига мос келмовчи ясама сўзлар ҳам кўпайиб кетдики, бу ҳолат илм аҳлини ташвишлантирмоқда.

Куни кеча Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида бўлиб ўтган илмий анжуман ана шу долзарб масалага бағишланди. Конференцияни институт ректори, Олий Мажлис депутати Н. Иброҳимов кириш сўзи билан очди. Таниқли олимлардан академик Алибек Рустамов, ЎзРФА муҳбир-аъзоси Ғани Абдураҳмонов, таниқли ҳинд олими Муҳаммад Амин ва бошқалар ўзбек атамашунослигининг долзарб масалаларига оид маърузалар қилдилар. Анжуманда Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари, ЎзРФА ва республика олий ўқув юртларининг тилшунос олимлари, аспирантлар, тадқиқотчилар қатнашдилар. Тингланган маърузалар асосида билдирилган фикрларни Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик Қўмитаси эътиборига тақдим этишга қарор қилинди.

М.ПИРМАТОВА

ИККИ АЗАМАТ ЧИНОР

10 январ Ойбек туғилган кун сифатида ўзбек халқининг тарихига киради. Куни кеча ўз ниҳоясини топган 1995 йилда таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан Ойбек номи тилдан тушмади. Бугун қарийб бир йил давом этган ойбекхонликка якун ясар эканмиз, улуғ адибнинг қардош халқлар адабиёти намояндалари билан дўстона муносабатларга назар ташлаш истаги туғилди.

Ўзбек адабиётининг қардош адабиётлар билан ўзаро алоқалари тўғрисида баҳс борганда, кўпинча Ойбек билан Мухтор Авезов номи ёнма-ён тилга олинади. Бунинг аён сабаблари бор.

Ойбек Ўрта Осиё Давлат университетининг ижтимоий фанлар факультетида таҳсил кўрар экан, 1927 йилда ўқишни Ленинграддаги Халқ хўжалиги институтига кўчирган. У Нева бўйларидаги шаҳарда тинимсиз мутолаа билан шуғулланибгина қолмай, турли-туман олий ўқув юртларида таҳсил кўраётган ўрта осиёлик талабалар билан танишиб, улар билан ҳам дўстона мулоқотда бўлган. 1928 йили эса, у шу ерда қозоқ халқининг бўлажак буюк адиби Мухтор Авезов билан танишиб, у билан бир умрга дўст бўлиб қолган. М. Авезов шу вақтда Ленинград Давлат университетининг сўнгги курсида таҳсил кўраётган, аммо 1917 йилда ёзган «Енлек-кебек» пиесаси билан қозоқ драматургиясига асос солган ёзувчи эди.

Болалик кезларида отаси билан қозоқ овулларига бориб, бу халқнинг табиатини севиб қолган Ойбек Мухтор Авезов сиймосида ўз дилига яқин инсонни кашф этади ва у билан узоқ суҳбатларда бўлади. Икки ёш ижодкор бир-бирининг ижоди, санъат ва адабиёт ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан танишадилар. Агар Ойбек Ленинградда ёзилган шеърларини илк бор Авезовга ўқиб берган бўлса, у ўзининг ҳали Олма-отадаги дўстларига ҳам етиб бормаган «Караш-Караш» қиссаси ва талай ҳикояларини ўзбек биродарига тақдим этади. Бу икки ёзувчи ўртасидаги дўстлик шу қадар теран тус оладики, ҳатто Ойбекнинг Навоий ҳақидаги сўзларидан таъсирланган Авезовда Абай ҳаёти ва ижодини синчковлик билан ўрганиш фикри, Ойбекда эса ўзбек ва қозоқ халқлари ҳаётидан олинган асар ёзиш нияти уйғонади. Орадан бир мунча вақт ўтгач, у ана шу орзусига эришиб «Бахтигул ва Соғиндиқ» достонини яратади.

Фалакнинг гардиши билан Ленинград университетини тугатган М. Авезов Тошкентга келиб, Ўрта Осиё Давлат университетининг Шарқ факультетида аспирантурани ўтайди. Шимолнинг нам ва совуқ ҳавосида оғир хасталикка чалинган Ойбек эса таҳсилни яна Тошкентга кўчиришга мажбур бўлади. Шу тарзда дўстлар яна ўзбек пойтахтида дийдор кўришадилар. М. Авезовнинг шу йилларда «Ўткан кунлар» романига айрича меҳр қўйишига маълум даражада Ойбек билан суҳбатлар сабаб бўлади.

Давоми учинчи бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ

ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси Андижон вилоятидаги 51-Хартум сайлов округида 1996 йил 7 январ куни бўшаб қолган ўринга Олий Мажлис депутатини сайлаш бўйича ўтказилган сайловнинг натижаларини кўриб чиқди.

Овоз беришда округ бўйича рўйхатга киритилган 43262 сайловчидан 43073 таси ёки 99,6 фоизи иштирок этди. Шулардан 42679 киши ёки овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 99,1 фоизи Иброҳим Усмонович Ғафуров номзодини ёқлаб овоз берди.

Овоз бериш натижалари тўғрисида округ сайлов комиссияси тақдим этган баённи кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Республика Қонунининг 11, 46-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси 1937 йилда туғилган, Миллий тикланиш демократик партияси раиси ўринбосари, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири Иброҳим Усмонович Ғафуровни 51-Хартум сайлов округидан Олий Мажлис депутати этиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Фалсафий гурунг

МИЛЛИЙЛИКНИНГ МОҲИЯТИ ҲАҚИДА

Жамият тарихининг энг қора ва жоҳил даврлари инсон тафаккурини чеклаш, бўғиш ва жиловлаш баробарида кечган. Тафаккурни шаклланишдан, камолотдан тўхтатиб, маҳдуд қилиш тоталитар тузумнинг асосий вазифасига киради. Бундай манфур ва зўравонлик сиёсати натижасида назарий тафаккур йўққа чиқди. Мамлакат бўйлаб қироатхонлик, ақидапарастлик кенг ёйилди. Кўплаб зиёталаб соҳалар эътибордан четда қолдирилдигина эмас, балки жамият манфаатларига ёт йўналишлар деб эълон қилинди.

Шулардан бири миллийлик масаласи эди. Миллийликни ўрганиш, унинг асл моҳияти ва жамият тараққиётидаги ижобий ролини кўрсатиш ҳукмрон мафкуранинг мақсад ва режаларига зид эди. Миллийликка бундай ёндашиш қандай пайдо бўлди? Унинг илдизи қаерда?

Миллийликка ёндошишнинг тубдан ўзгариши ҳукмрон мафкура ва тузум йўлбошчилари томонидан тузилган жаҳон инқилобий жараёнини тезлатиш режаси билан боғлиқ эди. Сотсиалистик инқилоб, аввал бошида мўлжалланганидек, биратўласи бутун дунё бўйлаб ғалаба қозона олмади. У биргина Россияда тантана қилди. Шундай экан, янги вазиятни инобатга олган ҳолда сотсиалистик инқилоб ғалаба қозонган мамлакатни жаҳон империализмини йиқита оладиган кучга айлантириш керак эди. Бунинг учун тезда саноат, нақлиёт ва алоқани тўла равишда давлат қўлига олиш, зудлик билан қишлоқдаги миллионлаб якка хўжаликларни мажбуран жамоалаштириш, ўзига тўқларни синф сифатида йўқ қилиш, миллатлар ва элатларни болшевикча суръатлар билан ягона совет халқига айлантириш керак эди. Миллийлик ғоялари эса, бу режаларга зид эди.

Мустақиллик тушунчаси жамият томонидан кенг ва чуқур таҳлил ва талқин қилингани сари, унинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган «миллийлик» тушунчаси ҳам ўзининг асл маъносини аниқлаб олмоқда. Ўтмишдаги мафкурага «миллийлик» тушунчаси ҳуш келмас эди. Миллийлик тўғрисида сўзлаганда ҳамма вақт эҳтиёт бўлиш, бир неча бор байналмилаллик томонга таъзим қилиш шарт эди. Шунинг учун байналмилаллик қарши қўйилар, кимки ўз миллати ҳақида камроқ гапириб, рус халқи ва бошқа халқлар тўғрисида кўпроқ сўзласа, у яхши эди. Миллийлик, миллатчилик ҳар минутда кўкариб ўсиб чиқиши мумкин бўлган асосий манба ҳисобланарди. Ана шу сабабга кўра миллийлик ҳақида мумкин қадар камроқ сўзлаш маъқул ҳисобланарди.

Миллийликнинг тўғри талқинини бериш учун, энг аввало байналмилалликнинг ўзи нима эканлигини аниқлаб олмоқ зарур. Гап шундаки, байналмилаллик миллийликнинг энг яхши, энг етук кўрсаткичлари, қирралари бирлиги ва умумийлашувидир. Яъни, байналмилаллик мустақил, ўз илдизларига эга тушунча бўлмай, унинг манбалари, негизлари миллийликдадир. Миллийлик қанчалик шаклланса, яшнаса, байналмилалликнинг замини шунчалик мустаҳкам бўлади. Байналмилалчи бўламан, десангиз, аввало миллий бўлинг. Нега деганда, мутлақо байналмилалчи бўламан деган одам, космополит, яъни манқурт бўлиб қолади. Ҳолбуки, ўтмишда байналмилалчи, бу — умум манфаатни, бутун совет халқи, Совет Иттифоқи, жаҳон сотсиализми манфаатларини ўз миллати, тор маънодаги ўз халқи манфаатларидан юқори қўядиган инсондир, дейиларди. Шунинг натижасида юртимизнинг пахтаси, олтини, қоракўл териси, табиий ипаги, рангли металлари, миллион тонналаб меваси умумсовет ўпқонига домсиздараксиз кириб кетаверарди. Жаҳон сотсиализми манфаатларини СССР манфаатларидан юқори қўйиш эса шунга олиб келдики, совет миллиардлари, минглаб Калашников автоматлари, танклар, тезотар зенит тўплар, ўқ-дори, ҳарбий энгил-бош ва бошқалар жаҳон инқилобий ҳаракатини янги поғонага хизмат қилиши учун бошқа давлат, чет эл ташкилотларига, биринчи навбатда коммунистик давлатларга жўнатилди. Ана шу мақсадда Марказ топшириғи билан хорижга жўнатилган Ватанимиз йигит-қизларининг ғўрлари ва суякларини турли хорижий мамлакатлардан топиш мумкин.

Мамлакатимизни илғор давлатга айлантирмоқ учун ана шундай ҳотамтойликдан воз кечишимиз, биринчи навбатда ўз юртимиз ва ўз халқимиз фаровонлигини кўзламоғимиз зарур.

Бу масаланинг яна бир нозик томони бор: байналмилалликнинг юқорида айтилгандек талқин этилиши натижасида, унинг зиёлилар онгидаги акс садоси сифатида миллийликни тор тушуниш ва тушунтириш тамойили пайдо бўлди. Миллийлик гўёки фақат ўз миллати, тили, маданияти, урф-одатлари доирасидан чиқмай фикр юритиш ва фаолият кўрсатиш деб талқин этила бошлади. Аслида эса миллийлик, яъни ўз миллати, унинг маданияти, тили, урф-одатлари, ўзига хослиги, ўзлиги ҳақида жонбозлик қилиш байналмилалликчасига иш олиб боришдан ташқарида мумкин эмас. Нима учун? Чунки, ўз миллати учун жон қуйдириш, уни илғор миллатга айлантиришга ўз улушини қўшиш демакдир. Уни саноатда, қишлоқ хўжалигида, нақлиётда, алоқада, санъатда, адабиётда, олий ва ўрта махсус ўрта маълумот беришда замоннинг энг юксак кўрсаткичлари даражасига кўтаришдир. Бундай олижаноб ишни илғор мамлакатлар ютуқларини, фан, техника, адабиёт ва санъатдаги диққатга сазовор томонларини ўзлаштирмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Шундай экан, юртимизда ташкил топаётган ҳар бир янги ижтимоий ташкилот ўз дастурига ана шу фаолиятларни киритиши ва унга амал қилиши керак. Бунингсиз Миллат, Халқ, Мустақиллик, гуллаб-яшнаш ҳақида фикр юритиш қуруқ сафсатабозлик бўлиб қолади.

Масаланинг яна бир қирраси бор. У ҳам бўлса ҳозирги мавжуд шароитда ўтмишдаги Иттифоқдан қолган ўртача ривожланаётган мамлакатлар ўрамида яшашимиз. Ўзимиз ҳам улардан кам фарқ қиламиз. Яқин йиллар ичида гирдобдан чиқиб кетишимиз зарурат. Шундай экан, ҳозирги куннинг вазифаси — ўша давлатлар билан, уларнинг бизда яшаётган ва яшаб келган авлод-аждодлари билан иноқлик, аҳиллик асосида иш олиб боришдир.

Миллийлик — инсоният ўз тараққиётида эришган энг этук омиллардан бири. Инсоният ўз тараққиёти давомида умумжаҳон қадриятлари хазинасини яратган экан, бу хазинанинг 3/4 қисми турли миллатлар томонидан юзага келтирилган, яъни XV-XX асрларда Данте, Галилей, да Винчи, Шекспир, Балзак, Бетховен ва бошқалар пайдо бўлдилар. Миллийлик байналмилалликка манба, таянч бўлиб айни вақтда ундан манба сифатида фойдаланади. У орқали бутун дунё маданияти билан боғланади, ўзининг умуминсониятнинг таркибий бир қисми эканини кўради, умумжаҳон моддий ва маънавий қадриятлар хазинасига улушини қўшади. Хулоса қилиб айтганда, миллийликсиз байналмилаллик бўлиши мумкин эмас ва аксинча, байналмилалликсиз миллийлик ўз тараққиёт манбаидан маҳрум бўлади. Ҳар бир зиёли ва ижодий фаолият вакили шу ҳақиқатни чуқур ўзлаштириб олиши лозим. Шу ҳақиқатдан ташқарида ўзбек романи, балети, операси, ҳикоянавислиги, журналистикаси, кундалик матбуоти, рассомчилиги, ҳайкалтарошлиги, фани, ҳозирги замон саноати йўқ. Шу ҳақиқатдан ташқарида жаҳон умуминсоний қадриятлар хазинаси Форобий, Ибн Сино, Беруний, ал-Хоразмий, Улуғбек, Навоий, Зебунисо, Нодирабегим ва бошқаларнинг нодир асарлари билан бойимаган бўлур эди.

Ҳар бир ижтимоий-сиёсий ва ижодий ташкилотнинг дастурида, амалий фаолиятида ва иш қоидаларида юқоридаги умумназарий хулоса ва ҳақиқатлар уларга тўғри йўналиш берадиган йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилиши энг имтиёзли ҳолат бўлади.

Юқорида биз масаланинг умумназарий қирраларини ёритдик. Аммо унинг амалий томонлари ҳам бор. Қандай қилиб назариядан амалиётга ўтмоқ зарур ва мумкин? Миллийликка самарали хизмат қилмоқ учун байналмилалликни яхши билмоқ, унга ҳар томонлама суянмоқ зарур. Бунинг учун эса умуминсоний моддий ва маънавий бойликлар хазинасига йўл очувчи омиллардан бири инглиз тилини ўзлаштирмоқ ҳозирги даврдаги энг муҳим ва умумдавлат вазифамизга айланди десак муболаға бўлмас. Чет тиллардан бири инглиз тилини билмаслик бизнинг имкониятларимизни чеклайди, миллатимиз ва давлатимизни оламга таништиришни, миллий маънавият ва салоҳиятимизни жаҳон бўйлаб тарғиб ва ташвиқ этишни ва охир оқибат миллий тикланишимизни сустлаштиради.

Биз узоқ йиллар давомида чет тилларни, шу жумладан инглиз тилини илм олиш учун эмас, диплом олиш учун ўргандик. Бу давр энди тугади. Мустақиллик чет тиллар масаласига муносабатни тубдан ўзгартишни талаб қилади. Биз чет тилларни чуқур ўзлаштирмас эканмиз, ўзимизни ўзимиз мақтаб, бир-биримизни маъқуллаб ётаверамиз. Лекин мамлакатимизни, давлатимизни, миллатимизни оламга билдириш, бой тарихимизни, ўтмишимизни, ҳозирги имкониятларимизни жаҳон аҳлига намойиш қилишимиз ва шу йўсинда ташқи иқтисодий ва сиёсий, маданий алоқаларимизни кенгайтириш, мустаҳкамлаш, илғор давлатлар даражасига кўтариш учун биз чет тиллар билан жиддий шуғулланмоғимиз зарурдир.

Ўзбекистонни илғор мамлакатга айлантирамиз десак аввало, илғор мамлакатлардан ибрат олмоқ ўринлидир. Уларнинг илғор тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, олимлар, сиёсий арбоблар, тадбиркорлар одатда 3-4 та жаҳон (инглиз, франтсуз, немис, испан) тилларида сўзлаша оладилар ва одатда инглиз тилини эркин биладилар. Биз эса, тоталитар тузум тазйиқида фақат миллатлараро тилнигина билиб, илғор давлатларга борганда, «соқовлар гуруҳи»ни ташкил қилиб, илғор мамлакатлар вакилларидан ажралиб турардик.

Биз инсониятнинг илғор қисмидан жой олмоқчимиз. Бунинг учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Фақат меҳнат ва изчиллик керак. Шу жумладан, чет тилларини ўрганишда ҳам. Бу борада анчагина ишлар қилинмоқда. Ҳатто, баъзи болалар боғчаларида ҳам инглиз тили ўқитилмоқда. Жаҳон тиллари университети яратилди, жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети очилди ва ҳ.к. Лекин булар хамир учидан патир. Чет тилини билиш — миллатимизни кўтаришнинг энг самарали воситаларидан биридир. Чет тилни ўрганиш ҳеч вақт кеч эмас: уч ёшда ҳам, етмиш уч ёшда ҳам...

Енг шимариб ишга киришайлик.

Кўчқор ХОНАЗАРОВ,
профессор

Сулаймон АЗИМОВ:

ОЛТИН ОЛМАЛАР КУМУШ КОСАЛАРДА УЗАТИЛСА

(сўнгги суҳбат)

Сулаймон Азимов оламдан ўтди...

20—30-йиллар зиёлиларининг маслақдоши, суҳбатдоши, ўша олиму фузалолар, файласуфлар, қалам соҳиблари даражасида фикр юритадиган заковат эгасининг юраги уришдан тўхтади. Фитрат ва Чўлпон, Боту ва Усмон Носир, Абдулла Қодирий ва Мунаввар Қори, Ғози Юнус ва Ғулом Зафарийларни танир, билар эди.

Билимдон, адолатпарвар жамоат арбоби, ҳурриятпарвар инсон Сулаймон Азимов ҳам қамоқ азобини ўн йилдан ортиқ кўрди. Муъжиза юз бериб, совуқ Сибирдан қуёшли ўлкасига қайтиб келганида эса, ўша дўстларидан ажралиб қолганини билди. Дўстлари ҳуррият шабадаси эса бошлаган Ўзбекистонни кўрмади-да!.. Олим ҳадеб минбарларга чиқаверишга ошиқавермас, рисола-ю мақоласи, маърузаю мутолааси, тенги йўқ иродаси ва иқтидорли бир интилиши билан машҳур эди илм-фан ва бадиий ижод аҳли орасида.

У кишининг суҳбатларида бўлган бахтиёрларданман. Ҳонадонларидан қандайдир маънавий юк билан, ижод этиш, мушоҳада қилиш, ўқимоқ ва уқмоқ истагида қайтганман ҳар гал. Шундай суҳбатлардан бирини — у сўнгги эканлигини қайдан билибман, — қоғозга туширган эдим...

— Сулаймон ака, сиз 20-йиллардан келаётган кишисиз. Ўша йиллардаги сиёсий аҳволни ҳам, миллий зиёлиларни ҳам яхши биласиз...

С. Азимов: — Ёшим 86 да. Шошиламан. Ўзим билган нарсаларни кўпчиликнинг қулоғига етказишга шошиламан. 20-йилларнинг ажойиб кишилари билан суҳбатлашиб, уларни тинглаб ақлимга ақл қўшилиб, тўғрироғи улардан ақл, билим ўрганиб ўша дамларни эсласам, ҳаяжонланаман. Қандай гўзал кишиларимиз бўлган! Уларни океанга ўхшатаман.Сўз билан таърифлаб бўлмайдиган бир куч, деб биламан. Уларниннг ҳеч бирини эсимдан чиқармайман.

Уларнинг тақдири қандай бўлди?

Уларни йўқ қилдилар. Халқимизни етакчи кучларидан, мураббийларидан маҳрум этдилар. Натижада жамиятда чуқурлик, жарлик пайдо бўлди. Буни мен тарихимиздаги, маданиятимиз тарихидаги фожиа деб биламан. Фожианинг яна бир томони шуки, ўша — биз тилга олаётган даврга, узоқ ўтмишга ҳам тупирингилар деб таълим беришган. Ёшлар онги заҳарлана борган. Чўлпон бадиий ижодда намуна кўрсатган. Асарларини ўқиб, ўрганиб, сўнгра у билан узоқ суҳбатлашиб мақолалар ёзардим... Фитратнинг фаолиятидан ҳайратга келардим. Унинг якка ўзи халқимизнинг маданиятини кўтаришда жуда катта иш қилган. Адабиёт тарихи ва мерос масалалари, мусиқа тарихи ва назарияси ҳақида асарлар ёзган олимнинг бадиий ижоддаги изланиши диққатингизни дарров ўзига тортади. Маърузасини тинглаб, завқ олардинг.

— Мулоҳазаларингизни тинглаб, икки масала юзасидан фикр айтмоқчи бўлдим. Биринчи масала — сиз тилга олган шахслар ва уларнинг фикрдош ҳамроҳлари қатағон қилиниши ҳамда тезда қатл қилинишига сабаб шуки, улар биринчилар қаторида тоталитар тузум ўзбек элига бахт келтирмаслигини сезганлар. Бинобарин, бу фикр уларнинг ижодларида, хатти-ҳаракатларида, юриш-туришларида кўзга ташланган. Марказ бундан хабар топиб, уларни дарҳол йўқ қилиш тараддудига тушган...

Иккинчи масала мерос билан боғлиқ. Ҳозир 20-30-йилларда ҳукм сурган ижтимоий, ижодий муҳит қайта тадқиқ қилинмоқда. Шундай экан, ҳозир кимлардан нималарни ўрганиш кераклигини билишимиз, тарихдан сабоқ олмоғимиз керак. Ўша ўзбек зиёлиларининг қайси фазилатлари ҳозирги кунда диққатимиз марказида бўлишини хоҳлар эдингиз?

— Ҳа, қатл этилганлар ҳам, омон қолганлар ҳам Октябр тўнтаришини яхши кутиб олган эди. Лекин озгина фурсат ўтиши билан улар ҳибсга олинди, отилди. Сабаби нимада? Сабаб шундаки, кўпчилик алданган эди. Чунончи, инқилоб декларатсиясида совет ҳукумати қурилиши билан мазкур империяда яшаган барча миллатларга тенг ҳуқуқ берилиши, улар ўзларини ўзлари идора қилишлари қайд қилинган эди. Бунга барча ишонган. Бундай шиор кўпчиликни руҳлантириб юборди. Маънавий ўсиш ҳам сезила бошлади. Бу борада фаоллик кўрсатганлар ҳам бўлди... Бу эса биз тилга олган декларатсияни тузувчи «режиссёрлар»ни хавотирга сола бошлади... Орадан 10 йил ўтмасдан халқларга берилган эркинлик, озодликка чек қўйилди. Бу ҳолни халқнинг илғор вакиллари дарҳол англадилар. Буни қарангки, Маҳмудхўжа Беҳбудий инқилобдан илгари ҳам Русиянинг ваъдаларига ишониб бўлмаслигини айтган эди.

1926 йилда бўлган бир гап: Маориф халқ комиссари Раҳим Иноғомов «нима учун ёшларимизни фақат Москвага юборамиз? Нима учун улар фақат Москвада ўқиши керак? Нима сабабдан уларни чет элга юбормаймиз? Ҳрижий мамлакатлардан кўпроқ маълумот олиб келади-ку! Буни ҳеч кимга зиёни йўқ-ку!» — деган ва шу йўлда қадам қўя бошлаган. Буни Москва дарҳол тушунган, бундай таклиф нималарга олиб келиши мумкинлигини сезган. Пировардида ҳалиги Раҳим Иноғомов йўқолиб кетди. Ишонасизми, йўқ бўлди-қолди. 26- йилдан бери йўқ. Ҳеч ким билмайди нима бўлганини.

Ундан кейин Маориф комиссари этиб Мўминхўжа исмли жуда ўқимишли, истараси иссиқ киши тайинланган эди. У домлаларимиз Назир Иноятий, Эшон Бобоқори Исломов, Абдужаббор Сиддиқов билан суҳбат қурарди. Мен юқори синфда бўлганим учун суҳбатларини эшитган вақтларим бўлган. Гап орасида Мўминхўжа «араб маданияти бизга нима берди, биз-чи?» — деб савол берди-ю, ўзи қизишиб жавоб ҳам топди. «Ароқ ичиш бизга қаердан келди-ю, бу балога энди нимани қарши қўйиб бўлади?» — деб куюниб гапирди. Бундай эркин фикр юритадиган шахсга ўша жамиятда ўрин топилмади. У ҳам йўқ бўлди- қолди. Ҳозиргача ҳеч ким билмайди, нима бўлганини. Мен ҳам ўша руйхатда бор эканман. Аниқроғи, бедарак йўқолганлар руйхатига киритиб қўйилган эканман. Буни мен 60-йилларда аниқладим.

41 нчи йили қамоққа олдилар. Кейин Сибирда, Тайгада тўрт йил юрдим. Шунча вақт ўтгану, қариндошларим, ёру-биродарларим мен ҳақимда бирорта маълумот ололмаганлар. Устозларим ҳақида ҳам бирор жойда маълумот қолдирмаганлар. Йўқ қилиб ташланган. Вассалом. Ўшаларга ачинаман. Узоқни кўра билганлари учун жазоланганлар-да. Чўлпоннинг мана бу мисраларини ёд олганмиз.

Эй, тоғлари кўкларга
салом берган зўр ўлка,
Нима учун танларингда
бўриларни қорни тўқ?

Ўз танларида бўриларни тўйғизган халқ ерининг таги ҳам бойлик, усти ҳам бойлик. Ўзи эса ҳамиша меҳнатда. У мустамлака шароитида хом ашё етказиб бераверган. Марказ уни қандай сарф қилса, сарф қилаверган. Меҳнаткаш халқ очликдан ўлмаслиги учун нимадир бериб турилган. Шу ҳолда у йиллар давомида бир кафангадо ҳолига келиб қолган. Бу мустамлакачилик сиёсатининг оқибати эди. Шу ҳолни эҳтироси ҳамиша қайнаб турадиган, мисралари жўш уриб турадиган Боту, ёқимтой ўйчан, кучли бўлган Чўлпон ҳам дарҳол англаган. Телескоп узоқлардан туриб юлдузларни ўрганиб олганидек, у одамларни, улар яшаётган жамиятни ва истиқболни шунчалик ўргана оларди. Ноёб истеъдод соҳиби эди. Сиз билан гаплашса ичингиздагини билиб турарди. Одамни руҳига кириб кетарди шунчалик. Абдулла Қодирийда ҳам шундай хусусият бор эди.

— Тоталитар тузум ҳақида фикр юритганимизда, маданиятда, илм-фанда эришилган ютуқларни ёддан чиқармаслик, тўғрироғи улардан воз кечмаслик, имкон бўлса уларни бойитмоқ, давом эттирмоқ зарур. Маҳмудхўжа Беҳбудий юртининг истиқболини маданиятли маънодаги зиёлилик, маданийлик тушунчаларини давлат сиёсати даражасига кўтариш йўлларини излаганлар, деб биламан. Дарҳақиқат санъат ҳар бир давлатга зарур.

— Шундайку-я! Лекин ўша кезлари биз ўзимизга ўзимиз хўжайин эмас эдик-да. Энди вазият тубдан ўзгарди. Лекин мустақил бўлганимиз бу — биринчи қадам. Мустақил давлат мустаҳкам бўлиши керак. Иқтисодий-техникавий замин зарур. Шу билан бирга маънавий бойлик, руҳий озиқ бўлиши керак. Бундай ҳолда «олма пиш, оғзимга туш» қабилида иш қилиб бўлмайди. Бу бойлик осмондан тушмайди. Уни ўзимиз яратамиз, халқимиз яратади. Асрлар давомида шаклланиб келган маданий меросни бутун тарихий қатламларда ётган бойликларнинг ҳаммасини элакдан ўтказиб бугунги кунга хизмат қилдириш керак. Шунда халқимиз ўтмиш шарбати, қадимий мерос булоқларидан мадад олиб туради. Бола онани эмиб вояга етганидек, халқимиз буюк Темур ва ўша давр маданиятидан, тарихимиз қатламларида ётган маънавий озуқалардан баҳраманд бўлади.

Яна бир масала. Бошқа мамлакатлар қайси бир соҳада илгарилаб кетган бўлса, ўша соҳа сидқидилдан ўрганилиши керак. Бошқалардан ўргана билиш учун ҳам ақл керак, хафсала керак, меҳнат керак, изчиллик керак. Ҳозир ҳар бир одам томоғини ҳалоллаб ейиши керак. Майда-чуйда гапларга ҳозир ўрин йўқ! Мустақилликни мустаҳкамлаш учун, олға юриш учун қўлингдан нима келса, шуни қилишинг керак. Куч-қудратингни, борлиғингни, билимингни шу халқнинг бахт-саодати учун сарфлашинг керак. Ўшанда ўзинг ҳам ўсасан, бошқалар ҳам ўсади. Ҳозир даврани айниқса кенг олиш керак. Ўз қобиғимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак. Чунки маънавиятнинг, умуман маданиятнинг миллий чегараси бўлмайди. Шарқ ва Ғарб маданиятининг илдизи битта, маъноси ҳам битта, мақсади ҳам. «Ғарб яхши-ю, Шарқ ёмон, ёки аксинча, Шарқ яхши-ю, Ғарб ёмон» — бу чегаралланган одамларнинг гаплари. Бугун биз тилга олаётган 20—30-йиллар зиёлилари маданиятни, халқлар тараққиётини континентларга бўлиш, ажратишнинг охири вой бўлмасмикин, деб бош қотирганлар. Аслида эса улар чин ўзбеклар, Туркистонни ардоқлаганлар, унинг обрўсига обрў қўшганлар эди! Буни қаранг-а: ўзбекка меҳр қўйган, уни мадҳ этганлар қай даражада кенг миқёсда фикрлаганлар!

— Сизнинг сўзларингизни тинглаб, «халқимизнинг эстетик идеали ниҳоятда юксак, унинг асл фарзандлари шу идеални сўзда, тасвирда, ижрода, куйда, минорада, расадхонада ифода этганига қаранг» деб юборгудек бўлдим.

Менимча мустақиллик даврида эстетик мустақилликка эришишнинг асосий негизларидан бири шу — меросни чуқур ўзлаштириш. Мен ҳам шунинг тарафдориман.

— Мулла Ҳамидулла, сиз айтаётган эстетик тарбия болаликдан бошланади. Аввал халқ оғзаки ижодиёти намуналари ўрганилади. Шунда ўзингни бақувват сезасан. Мустақил сезасан. Кимнинг авлоди эканлигингни ҳис этиб турасан. Ўзга таъсир ҳақида ўйламайсан ҳам. Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан, Ислом шоир Назар ўғли, Бола бахши — лоақал шулар ёзиб қолдирган достонларни эсланг! Улардан 72 тасини мен қайта ўқиб чиқдим. Улар ўрганилиши, экранга, саҳнага кўчирилиши зарур. Буни қарангки, катта шоирлар уларга мурожаат этиб сюжет топганлару, кино шундай достонларга аҳамият бермайди.

— Бу асарлардан аввало миллий характер яратишни, эстетик шакл танлашни, мураккаб бадиий тўқима яратишни ўрганиш зарур.

С. А.: Суҳбатимизни «Гёте билан суҳбатлар» китобида келтирилган бир жумла билан тугатишни истардим. Унда «Олтин олмаларни кумуш косаларда узатиш керак» дейилган. Бизнинг «Олтин олмаларимиз» мўл. Лекин уларнинг ҳақиқатан ҳам олтинлигини билдириб турадиган ўша кумуш, биллур косаларни яратишда, топишда сир кўп. Мазмун ва шакл бирлиги, теран фикр, кучли ҳис-туйғуга мос келадиган нафис эстетик шакл ихтиро қилиш масалалари биз бугун тилга олган меросда ҳал этилган. Шу боисдан ёшларга ҳам, кексаларга ҳам мурожаат этиб ўша мерос қатламларидан баҳраманд бўлинг, дегим келади. Ёшим 90 га яқинлашганда бундай насиҳатга ҳаққим бордир...

ХОТИМА

С. Азимов аввало файласуф эдилар. Бу олим Чўлпон, Фитрат, Ботуларнинг авлодидан эди деганимизда у кишининг заковатини ва мўътабар ёшларинигина эмас, 20—30-йилларда ҳуррият-нинг етакчи ғоялари шаклланишидаги, фалсафий фикрлар камол топишидаги бинобарин, бадиий ижод самарали бўлишидаги хизматларини назарда тутамиз.

Ҳа, Сулаймон ака ўша зиёлилар авлодига мансуб ва бу билан фахрланар эдилар.

Ҳамидулла АКБАРОВ

СУРАТДА: Сулаймон Азимов.
Л. АБДУЛЛАЕВ чизган портретдан

ИККИ АЗАМАТ ЧИНОР

Давоми. Боши биринчи бетда

Икки улуғ адибнинг дўстона муносабатлари ҳақида замондошлари ажойиб хотиралар ёзиб қолдиришган. Мен бу ўринда Ойбек билан М. Авезовнинг 1945—1946 йилларда бўлиб ўтган учрашувлари тўғрисидаги Миртемирнинг мунаввар бир хотирасини келтиришни истардим. У Олма-отага Абайнинг 100 йиллик тўйини нишонлаш учун борган ўзбек ёзувчиларининг учрашувлари тўғрисида сўзлаб, бундай ёзган:

«...Бизни тоғ устидаги ажойиб боққа олиб боришди ва ҳар ким алоҳида жой олди. Дўстлар, танишлар жам эди бу тўйда. Сергей Бородин, Берди оға, Силва Капутикян — қўйингчи, кўпчилик эдик. Гурунгга гурунг уланар эди. Ўшанда ҳамма Ғафур ака ва Сергей Петрович айтган латифага ўралашиб қолганда, Ойбек, Мухтор оға хиёбонда сўзлашиб ётарди... Бир кун тонг отгунча қизғин суҳбат бўлди. Грузин ҳам, озарбойжон ҳам, татар ҳам, рус ҳам топганини ўртага ташларди, бир сўз билан айтсам, бу сархуш кулги кечаси эди. Лекин ҳаммадан кўп айтган Ғафур ака бўлди. Шундай латифалар айтардики, бутун давра қотиб-қотиб кулар, Ғафур ака уст-устига айтар, йўл-йўлакай бир зумда тўқиб айтар эди... Тонг отди-ю чойга ўтирдик. Ҳайрон қолгулик ҳол. Ўша улкан зиёфат уйига ёндош уйдан Ойбек ва Мухтор оға чиқиб келди. Биз тонг отгунча кулдик, улар иккови тонг отгунча суҳбатда...

Президиумда ҳам иккови пичирлашиб ўтиришар, бора-бора бир-бирини имода тушунадиган бўлди. Бора-бора бир-бирини излаб келадиган ва борадиган бўлди.

Устоз Ойбек қозоқ халқи, қозоқ ҳаёти билан болаликдан таниш. Мухтор оға ўзбекка жиян. Икки халқнинг икки алп қаламкаши қалин маслаҳатдош эдилар».

Улуғ қозоқ оқинининг 100 йиллиги нишонланган пайтда Ойбек Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси ва СССР Ёзувчилар уюшмаси бош котибининг ўринбосари ҳамда СССР Олий Совети депутати сифатида Москвага, турли йиғилишларга тез-тез борар ва шу йиғилишларда Москва Давлат университетининг домласи, атоқли ёзувчи Мухтор Авезов билан кўп бора мулоқотларда бўлар эди. Бири «Навоий», иккинчиси «Абай» романи билан машҳур бўлган бу икки ёзувчи буюк: икки қардош адабиётларнинг тақдири кўп жиҳатдан уларнинг ижодий изланишлари ва ютуқларига, ўз олдиларига қўйган бадиий вазифаларнинг салмоғига боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам улар адабиёт оламида рўй бераётган янгиликларни тинмай кузатар ва зарур ҳолларда ёрдамталаб ёзувчиларга мадад қўлларини узатар эдилар.

Сир эмас, улар ўртасида нозик масала ҳам бўлган: бир-бирларининг ижодларини диққат-эътибор билан кузатган адиблар бир-бирларидан орқада қолмасликка тиришганлар. Шу маънода улар ўртасидаги дўстлик бу ҳар икки ёзувчининггина эмас, айни пайтда ўзбек ва қозоқ адабиётларининг шу йилларда гуркираб ўсишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Ойбек уй музейида

Мухтор Авезовнинг шогирдларидан бири Анвар Олимжонов Ўзбекистонда кўп бўлган. У биринчи марта Тошкентга устози билан бирга келганида М. Авезов уни Ойбек яшаган хонадон сари етаклаган. Ўша унутилмас учрашув ва суҳбат соатлари А. Олимжоновнинг хотирасига бир умрга муҳрланиб қолган. Кейинчалик у икки устознинг ана шу учрашувини бундай сўзлар билан эслаган эди:

«...Кўпни кўрган, кўпни билган, оламнинг гўзаллиги билан нафосатига шайдо бўлган бу икки донишманд Шарқ шоирлари тўғрисида ўтмишдаги ва ҳозирги Шарқ тўғрисида, олимлар, фозиллар, саркардалар ва файласуфлар ҳақида гурунглашардилар. Меҳмонлар мафтун этган эди. Шу палла бу шинам айвонда Ҳофиз, Жомий, Фирдавсий, Навоий, Абай, Шерниёз, Фурқат, Маҳамбет ва Мукумийлар меҳмон бўлдилар. Уларнинг шеърлари, газаллари, рубоийлари, ҳикматли гаплари тилдан тушмади. Ўрта Осиёнинг беназир рассоми Беҳзод, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, тарихчилардан Мирхонд ва Хондамирдан сўз очдилар...».

Анвар Олимжонов бу пайтда ҳали Ойбекнинг ёрирк иқтисодчи ва файласуф олим, антик адабиётдан Анна Ахматовага қадар жаҳон ва рус адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилган ва билган аллома, «Боғдир» кўп ҳ

МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ СЎНГГИ АВЛОДЛАРИ

Тақдир тақозосига кўра, Моваройннаҳрда, темурийлар сулоласи барҳам топгач ҳам томирларида Мирзо Улуғбек қони оқиб турган шайбонийзода султонлар бобо мерос Тошкент ва Самарқанд каби ўлкаларда ҳукмронлик қилдилар. Улар одилона салтанат юргизиш билан бирга илм-фан, адабиёт ва маданият ривожига улкан ҳисса қўшдилар.

Мирзо Улуғбекнинг хайрли ишларини давом эттирган ва халққа Улуғбек хотирасини эслатиб турган бу шайбонийзодалар кимлар эди, уларнинг тақдири қандай кечди, деган саволга жавоб бериш учун қуйида XV-XVII асрларда яратилган тарихий, адабий ёзма манбалардаги маълумотлардан айримлари тазлилини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Мирзо Улуғбек 1449 йил октябр ойининг йигирма бешинчи куниси қатл этилиб, 1450 йил май ойининг якунида эса бу ҳам фитначилар қўлида ҳалок бўлгач тахтга Улуғбекнинг укаси Иброҳим султоннинг ўғли Мирзо Абдулло чиқади. Ўша пайтда Бухорода маҳбус турган Султон Абу Саид Мирзо янги ҳукмдор душманлари томонидан озод этилиб, бу ҳайрихоҳлар фатвоси билан хон эълон қилинади. Мирзо Абдуллонинг, тахтга яна бир давогар Алоуддавла ва мазкур Султон Абу Саидларга қарши анчагина кураш олиб боришига тўғри келади. Ахийри, Султон Абу Саид Дашти Қипчоқнинг Улуғ Шабон сулоласига мансуб кўчманчи ўзбеклар улуси хони Абулхайрдан ёрдам сўрагач, унинг кўмаги билан 1451 йил 22 июнида Самарқанд ёнида Мирзо Абдуллони енгиб, тожу тахтни қўлга киритди. Ушанда Абулхайрхон Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султон бегимни ўз никоҳига киритиб, Дашти Қипчоқ пойтахти Сиғноққа олиб кетади. Бу никоҳдан Кўчкинчи ва Севинчхожа исмли ўғиллар дунёга келади.

Кўчкинчихон ва авлодлари

Шоҳ Будоғ бин Абулхайрининг ўғли Муҳаммад Шайбоний 1501 йили Туркистон вилоятини амакиси Кўчкинчига топширади. 1507 йили Шайбонийхон Ҳиротни ҳам қўлга киритиб, ўша ерда турган пайти Самарқанд томонларга қозоқ Аҳмад бин Жониш султон ҳужум қилиб қолади ва Шайбонийхон 1505 йили Хуросондан келиб, қозоқларнинг талончилик юришига чек қўяди. Юришдан қайтишда (1509) эса Туркистон ҳокими амакиси Кўчкинчихон ҳузурида меҳмон бўлиб, унга Тошкент ва атрофидаги ерларни ҳам бергани, илгари Тошкентдаги ҳокимият тепасида турган Севинчхонхожа ва авлодларига Фарғонага бориши, Фарғонадаги Жонибек султоннинг эса Миёнкол, Карманага кетиб, хонлик қилиши ҳақидаги бош хонлик бўйруғини эълон қилди. (Академик Б. Аҳмедов Шайбонийхон бу фармонни уларнинг қозоқ султонлари ҳужуми пайти ғафлатда ўтиргани учун жазо сифатида чиқарганини айтади).

1510 йил декабрида Шайбонийхон ҳалок этилиб, 1512 йили Бобур Мирзо ва эронликлар Мовароуннаҳрни қўлга киритиш учун қилган сўнгги уринишлари ҳам барбод бўлгач, Кўчкинчихон Самарқандда бош хонлик тахтига ўтиради ва вафоти ҳижрий 937 йил 25 рабиус-соний (1529 йил декабри)гача ҳукмронлик қилади. Унинг даврида Самарқандда бир нечта масжид, мадрасалар қурилди. Қуръони карим, «Тафсири Ҳусайний» ўзбек тилига таржима қилинди, хоннинг рағбати билан тиббиётга доир «Дастур ил-илож» каби асарлар яратилди,

«Зафарнома» ва бошқа талай тарих, адабиётга оид арабча, форсча асарлар ҳам ўзбекчага ўгирилди. Тарихчиларнинг ёзишича, Кўчкинчихонда Дашт ўзбекларига хос соддалик, исломга ўта кучли эътиқод, ғоҳиқўллик хислатлари устун бўлиб, ўз даврида унинг бу фазилатлари хусусида кўплаб ҳазил-мутойиба, латифаомуз гаплар тўқилган. Кўчкинчихондан уч нафар ўғил қолади. Улар Абу Саидхон, Абдуллохон Биринчи ва Абдулатифхонлардир.

Абу Саидхон отаси вафот этгач ҳижрий 937 йил жумодилаввал (1530 йил январ) ойида бош хонлик тахтига ўтиради. Унинг хонлиги 2 йилу 10 ой давом этади. Абу Саидхон 940 йил сафарида (1533 йил октябр-декабр) вафот қилади. Шундан сўнг бош хонлик Убайдуллохонга ўтиб, у пойтахтни ўзи яшаётган Бухорога кўчиришга мажбур бўлади. Чунки Кўчкинчихон авлодлари шайбонийларнинг ҳам пойтахти бўлиб келаётган Самарқандга ёш жиҳатдан бош хонликка ўтириш навбатини қўлга киритган Убайдулло султонни киритишни маъқул кўрмадилар ва Абдулатифхон бошчилигида шаҳар дарвозаларини бекитиб, ҳимояга тайёрланадилар. Ноилож қолган Убайдулло султон бош хонлик тахтига Бухорода ўтиради ва Самарқанд ҳукматини чорасизликдан Абдулатиф бин Кўчкинчига бахшида қилади. Шундай қилиб, қалтис бир тарихий вазиятни бошидан кечирган ҳолда Мирзо Улуғбек чевараю эваралари Самарқандга тағин эгалик қила бошлайдилар. Абу Саидхоннинг 4 нафар ўғли бор эди. Биринчиси Султон Сайид султон, иккинчиси Жавонмардалихон ва қолганлари Худойберди султон, Султон Муҳаммад султонлардир. Ўрни билан уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида ҳикоя қиламиз.

Абдулло бин Кўчкинчи 1540 йил мартида Убайдуллохон вафот этгач бош хонлик тахтига ўтиради. Аммо унинг хонлиги қисқа бўлиб, 1540 йили октябрида вафот этади. «Мусахирилбулот» муаллифи Кўчкинчихонинг бу иккинчи ўғлини ақлли, адолатли, динпарвар, шариат ҳукмларини ёювчи жонкуяр, деб таърифлайди. Абдуллохондан битта Ўғон султон исмли ўғли қолган. Ўғон султон отаси вафот этгач, бироз вақт амаки ва амакиваччалари билан биргаликда ҳамда уларга итоатда Самарқанд ерларида султонлик қилади, аммо 941(1534) йили тўсатдан ғойиб бўлиб қолади ва ному нишони топилмайди. Тарихда Абдулло бин Кўчкинчи «Абдуллохон Биринчи» деб тилга олинган.

Абдуллатиф бин Кўчкинчи 1540 йил октябрда Самарқандда бош хонлик тахтига ўтиради. Бу пайтда Бухорода Абдулазиз бин Убайдулло бин Маҳмуд бин Шоҳбудоҳ бин Абулхайр ҳам ўзини бош хон деб эълон қилганди. Абдулатифхон ва Тошкент ҳокими Наврўз Аҳмад (Бароқ) хон бин Севинчхожа Абдулазизни тан олмай, натижада икки ҳокимиятчилик бошланади ва 1544 йили самарқандлик, тошкентлихонлар Бухорога юриш қиладилар, Абдулазизхон Балҳга қочади. Аммо, жўйбор шайхлари ва халқ қўллаб-қувватламагани учун Абдуллатифхон ва Бароқхон Бухорода туролмай, қайтиб кетадилар, Абдулазизхон келиб яна Бухорони эгаллайди. Афсуски, Кўчкинчи ва Севинчхожа авлодларининг шу иттифоқчилиги вужудга келган даври бу иккала хонадон вакиллари учун келажакда рўй беражак ҳалокат жараёнининг бошланиш нуқтаси бўлади. Ўшандан бошлаб, Кўчкинчи ва Севинчхожа авлодлари бир тараф, Жонибек бин Хўжагўн бин Абулхайр фарзандлари бир тараф бўлиб, то XVII аср бошида барча шайбонийлар тугаб битгунча, хунхор душман сифатида бир-бирларини аёвсиз қирадилар. Буни Кўчкинчихон ва Севинчхожа авлодлари тақдири ҳикоясида, сал қўйироқда, ўзиннинг ваъда қилади. Гадойхон бин Абдуллатифхон Ўратепага ҳоким этилади. 1554 йили Султон Саъид султон шерикчиликдан маҳрум этилиб, Қошғарга кетади. 1556 йил 24 сентябрда тўсатдан Наврўз Аҳмадхон вафот этади. Ўрнига ўғли Бобосултон ўтиради. У Ўратепадаги Гадойхонни олдириб, ўзига шерик қилади. Гадойхон эса қариндошлари билан яширинча алоқа боғлаб, мерос юртни қайтиб олмоқчи бўлади, бундан хабар топган Бобохон уни Самарқанддан чиқариб юборади. Хуллас, 1557 йили ёш Абдуллахон бин Искандар бин Жонибек ёрдамида Кўчкинчихон авлодлари яна Самарқандни қайтариб оладилар. Султон Саъид султон мероси тахтга ўтириб, 15 йил ҳукм суради ва 1572 йили вафот этади. Унинг Баҳодир султон ва Ҳожи Ҳусайн деган ўғиллари бўлади.

Баҳодир султон отаси тирик пайти 1569 йилларда Абдуллахон Иккинчи билан бўлган жангда ҳалок қилинади. Султон Саъид султон шоир ҳам бўлган, шеърлари бизгача етиб келган. Тасаввуфда машҳур шайх Ҳусайн Хоразмийга (1551. 21. VIII.) мурид бўлган. Баҳодир султоннинг шеърлари ҳақида эса Мутрибий ўз тазкирасида маълумот берди.

Ҳожи Ҳусайн султон ҳам Абдуллахон II билан бўлган жангларнинг бирида қўлга тушиб қатл қилинади.

Жавонмардалихон бин Абу Саидхон акаси Султон Саъид султон вафот этгач (1572) Самарқанд тахтига чиқади. Гадойхон бин Абдуллатиф эса бундан ранжиб, Тошкентга кетади ва Дарвешхон, Бобосултонлардан тахти олиб беришда ёрдамлашишни сўрайди. Ака-укалар дарҳол Самарқандга отланадилар, бундан хабар топган Жавонмардали ҳам Абдуллахон II дан кўмак сўрайди. Шундай вазиятни кутиб юрган Абдуллахон II тезда ёрдамга чиқиб, Кўк Гумбаз деган жойда тошкентликларга тўқнаш келади ва уларни енгиб, Гадойхонни асир олади ҳамда Жавонмардалихон ҳузурига юборади. Кўп ўтмай Жавонмардалихон билан катта ўғли Абулхайр султон ўртасида келишмовчилик чиқиб, Абулхайр Абдуллахон II дан ёрдам сўрайди. Абдуллахон II энди Жавонмардалига қарши отланиб, Самарқандни истило қилади ва Тошкентдан Бобохоннинг ёрдамга келаётганини эшитиб, асир олинган Жавонмардалихонни Навқо деган қалъада ҳибсга тутади. Бобохон яна енгилади, бироқ, Абулхайрнинг фикри ўзгариб, Абдуллахонга нисбатан душманлик йўлига ўтади, Абдуллахон II бундан хабар топиб, ҳийла билан Абулхайрни қўлга олдириб қатлга буюради. Шу куни ҳибсдаги Жавонмардалихон ҳам ўғиллари Маҳди султон ва Дўстум султонлар билан бирга қатл этиладилар. Бу воқеа 1578 йилнинг 6 ноябрида содир бўлади. Жавонмардалихоннинг юқоридагилардан ташқари Музаффар султон, Кўчум султон исмли ўғиллари ҳам бор эди.

Абулхайр султонни (қатли 1578) тарихчилар ёмон ахлоқли, фитнагар киши сифатида қоралаб ёзадилар. Ундан озор топмаган хону султон, қариндош, туғишгани қолмаган экан. Отаси, инилари ҳалокатига ҳам Абулхайр султон сабабчи бўлган ва ўзи ҳам ўйламасдан қилган ҳаракати оқибатида, кўрганимиздек, нобуд бўлади. Абулхайр ҳам шеър ёзган, ғазаллари бизгача етиб келган. Мутрибий тазкирасида Абулхайрнинг Абдуллахон II билан иттифоқчи бўлиб юрган кезлари шу хонга бағишлаб ёзган битта ғазалидан 3 байтини келтиради ва Абулхайр ҳақида хабар билмоқчи бўлсангиз Ҳофиз Муқимийнинг «Зафарнома» китобига қаранг, дейди.

Музаффар султон 1578 йили отаси ва ога-инилари қатл этилгач, Тошкентга Бобо султон олдига боради. У билан бир қанча жангларда бўлиб, Самарқандга қилган ҳужумлари муваффақиятсиз чиққач, Ҳисори Шодмонга қочади ва шу ер ҳокими қўлига тушиб, қатл этилади, боши Тошкентни қўлга киритган Абдуллахон II ҳузурига юборилади. Бу воқеа 1579 йилга тўғри келади.

Кўчум султон ҳам ота ва акаукалари қатлидан сўнг Бобо султон ёнида, у енгилгач эса Бўзаҳўр султон ёнида Абдуллахонга қарши жангларда қатнашиб юради ва ана шу жангларнинг бирида асир олиниб, хон буйруғи билан ўлдирилади.

Нисорий ва Мутрибий маълумотларига қараганда Жавонмардалихон ҳам ўғли Музаффар султон ҳам шеър ёзганлар.

Худойберди султон бин Абу Саъидхон ҳам Абдуллахон билан бўлган жангларнинг бирида асир тушиб, 1569 йили ўлдирилади, ундан Юсуф султон ва Аюб султон отли икки ўғил фарзанд қолади.

Юсуф султон Абулхайр султон воқеасидан (1578) сўнг бироз вақт Бўзаҳўр бин Абу Саъидхон билан биргаликда сарсон саргардон юриб, бир куни Сирдарё қирғоғидаги Уч тепа мавзесида Бўзаҳўр султоннинг Ибодулла бин Искандар билан тўқнашуви чоғи кўплар қатори асир олинади ва ҳижрий 989 (1581) йили қатл этилади. Аюб султон эса Кўчкинчихон ҳонадонининг бу машъум инқирозидан сўнг дашту биёбонда «саргардон, хотирпаришон» юриб, ўз табиий ажали билан ўлим топган.

Султон Муҳаммад султон бин Абу Саъидхон девонаваш киши бўлган, бир неча йиллар бошқа хон қариндошлари қошида юрган. У Абулхайр ва Жавонмардалихон воқеасидан бурун вафот этади. Ундан учта ўғил қолади: Шайхим султон, Аҳмад султон (лақаби Бўзаҳўр султон) ва Бобо султонлар.

Шайхим султон бин Султон Муҳаммад Абулхайр султон воқеасидан сўнг ёрдам сўраб, кўпларга мурожаат қилади, бироқ, Севинчхожахон авлодлари ҳам Абдуллахонга дош беролмагач, ноумидлик билан ҳаёт кечириб, 1590 йиллар атрофида вафот этади. Тарихда қизиқ бир воқеа ҳикоя қилинади: қорақалпоқ ва қозоқлар аштархонийларга қарши курашда унинг номидан фойдаланмоқчи бўладилар. Унга жуда ўхшаш бир кишини Шайхим султон деб Абуллайс Султон қозоқ ҳузурига олиб борадилар ва бу султон уни хон деб эълон қилади ҳамда Шайхим султонни Самарқанд тахтига ўтказиш баҳонасида бир неча бор бу шаҳарга ҳужум уюштирадилар. Кейинчалик бу сир фош бўлади.

Бўзаҳўр султон бин Султон Муҳаммаднинг асл исми Аҳмаддир. У жуда шижоатли киши бўлган, Абулхайр воқеасидан омон чиқиб, Бобо султон бин Бароқхон олдига боради. Ундан ёрдам ололмагач, бир ўзи аскарлари билан келиб, Самарқандни Абдуллахон нойибларидан тортиб олиб, бир неча кун хонлик тахтига ўтиради. Абдуллахон Самарқандга отлангач, у шаҳарни ташлаб чиқиб, хон билан қаттиқ жанг қилади, енгилса ҳам омон қолади. Сўнг ҳам тошкентлик султонларга қўшилиб, Абдуллахонга қарши кўп жангларда мардонавор курашади. Бир куни Сайрамга ғалла ўлпони учун келган Абдуллахоннинг Шоҳимбий Арғул деган амалдорини қўлга тушираман деб, ўзи унга асир тушиб қолади ва қатл этилади.

Бобо султон бин Султон Муҳаммад бин Абу Саъидхон акаси Бўзаҳўр султон Сайрамда ҳалок бўлгач, қишлоқма-қишлоқ, овулма-овул сарсон кезиб, Маргилон вилоятига келиб қолади. Ўша пайтда Абдумадбий Андижон вилоятидан Абдуллахон ҳузурига Бухорога кетаётиб, Бобо султоннинг бир неча дарвеш ва фақирлар билан ҳовуз бўйида ўтирганини эшитиб қолади ва тўсатдан унинг устига ташланиб, қўлга олади ҳамда дарҳол илгор билан Бухорога жўнатади. Абдуллахон уни Бухорода ўлимга буюради.

Гадойхон бин Абдуллатиф бин Кўчкинчи отаси даврида Ўратепада ҳокимлик қилган, отаси вафот этгач (1551 й.) Султон Саъид султонга итоатда бўлади. Наврўз Аҳмадхон воқеасидан сўнг унинг ўғли Бобохон Гадойхонни элдан уялиб маврусий тахтга шерик қилади ва шундан кейинги воқеаларни юқорида айтиб ўтдик. Хуллас «Жавонмардалихон...» қисмида сўз юритганимиздек, Гадойхон Кўк Гумбаз мавзеида асир тушгач, Самарқандда қатл этилади ва ундан Поянда Муҳаммад султон исмли битта ўғил қолади. Аммо, отаси вафотидан сўнг ундан ном-нишон топилмайди ва тақдири бир умр номаълумлигича қолади.

Абдол султон бин Абдуллатифхон бир неча йил Зоминда ҳокимлик қилади. Абулхайр воқеасидан сўнг Тошкентга Бобо султон ёнига боради ва Абдуллахонга қарши Чирчиқ жангида қатнашади. Ўзларидан бахт юз ўгирганини сезиб, Бадахшон томонга кетади ва Ҳисори Шодмонга яқин ерда қўлга тушиб, қатл қилинади, бошини Тошкентга Абдуллахон ҳузурига жўнатадилар. Абдол султоннинг Кўчак исмли бир ўғли бўлиб, у ҳам Бўзаҳўр султон Уч тепа деган мавзеда Ибодулло султондан енгилган чоғи асир тушади ва Юсуф султон бин Худойберди султон билан биргаликда қатл қилинади. Мутрибийнинг хабар қилишича, Абдол султоннинг асл исми Абдулмалик бўлиб, Хуш тахаллуси билан шеърлар ёзган экан. Тазкирада ёзилишича, Абдол султон Ҳисори Шодмонда 988(1580) йили шаҳид бўлган, жасадини Самарқандга келтириб, Кўчкинчихон мадрасасида отаси Абдуллатифхон ёнига дафн этганлар. Шундан сўнг Кўчкинчихон авлодидан ҳеч ким қолмайди, тарафма-тараф бўлиб, ўзаро курашиш оқибатлари қисқа вақт ичида шайбонийлар сулоласини ўлкан бир қаноти емирилишига олиб келди.

Исмоил БЕКЖОН



Бухоро. «Боло Ҳовуз» масжидига ишланган нақшлар

ИБН ХАЗМ

КАБУТАР МАРЖОНЛАРИ

Агар муҳаббат хусусиятларнинг мувофиқлигидан пайдо бўлса эди, албатта, киши ўзига мувофиқ тушмаган ва ёрдам бермайдиганларни севмаган бўларди. Шунинг учун ҳам, биз биламизки, муҳаббат қалбларнинг моҳиятида мавжуддир. Бироқ кўпинча муҳаббат қандайдир бир сабаб билан туғилади — бу севги уни вужудга келтирган сабаб йўқолиши билан тугайди, яъни сени иш юзасидан севган киши иш битгач, юзини ўгиради.

Бу борада мен шундай дейман:

Ўз мавжудлиги боис менинг сенга муҳаббатим мангудир
У сўнг нуқтасига етди, энди на камаяр, на ортар.
Унга истақдан ўзга сабаб йўқ,
унга биров биладиган баҳона ҳам йўқ.
Биз нарсанинг сабаби ўз-ўзида эканлигини кўрсак,
у ҳолда унинг борлиғи мангу йўқолмас.
Агарда биз унинг сабабини бошқа нарсада деб топсак,
у тақдирда у йўқолганда, у туфайли пайдо бўлган нарса ҳам йўқолади.

Бу сўзларнинг тасдиғи яна шундаки, биз севги-муҳаббатнинг турлари жуда кўп эканлигини биламиз ва уларнинг энг муносиби икки севишганнинг Аллоҳ азза ва жалла учун муҳаббатидир. Ёхуд меҳнат-машаққатда бирга ғайрат кўрсатиш, ёхуд дин-иймон, мазҳаб асосидаги ахиллик, ёхуд одамдаги илмларга истеъдоднинг афзаллиги ва зиёдалиги; қон-қариндошлик муҳаббати, яқин орзу-интилишлар муҳаббати, ошна-оғайнигарчилик ва таниш-билишчилик муҳаббати, дўстнинг қилган яхшиликлари боис туғилган муҳаббат, суюкли шахснинг мансабига хирс қўйиш муҳаббати, бир-бирларига маълум, лекин ўртада яшириш керак бўлган сир туфайли вужудга келган муҳаббат, лаззат олиш ва истакларни қондириш учун бўладиган муҳаббат ва ниҳоят аниқ бир сабаби бўлмай, кўнгил хоҳиши билан туғилган, қалбларни бир-бирига боғлаган муҳаббат. Муҳаббатнинг мана шундай турлари уларни туғдирган сабаблар йўқолган заҳоти битади, қучайган заҳот кучаяди, озайганда озаяди, якинлашганда яқинлашади ва йироқлашганда зайфлашади. Қалбни ишғол қилиб олгувчи чин мойилликка асосланган севги-муҳаббатгина бундан мустасно. Унга ёлғиз ўлимгина чек қўя олади.

Чиндан ҳам, кўп маҳал анча ёшга бориб қолган, сабр-тоқат, қаноат касб этган одамларга дуч келасанки, агар эсига солсанг, эслайди, қувонади, яшаради ва ҳаяжонга тушади, маъюс тортади. Кўнгил хоҳишидан ташқари туғилган ҳеч қайси муҳаббат турида ўй-хаёл бунчалар банд бўлмагай, одам мунчалар ақл-ҳушидан бегона бўлмагай, изтиробга тушмагай, туғма хусусиятлари ўзгариб кетмагай ва табиий хислатлари эврилмагай, озиб-тўзмагай, оҳ-воҳлар қилмагай ва бошқа неча турли ҳасратларга дучор бўлмагай. Мана шундай муҳаббатгина руҳоний хоҳишни англатади ва унда қалблар туташади.

Мабодо бирор кимса: — Агарда шундай бўлганда, икки қалб ўртасида севги-муҳаббат тенг бўлинар эди, зотан, қовушмоқликда ҳар икки қалб тенг қатнашади ва бунда ҳар бирининг ўз улуши бор, — деб эътироз билдирса, унга жавобан шундай деймиз: — Ҳаёт номига қасамки, бу жуда ҳам тўғри эътироз. Фақат севганни севмаганнинг қалби ҳар томондан қандайдир уни яширадиган ҳодисалар билан беркилган, бу қалб жўнгина пардалар билан қопланган ва у ўзига яқин бўлагини ҳеч ҳис қилмайди. Агарда у ўзи тушган жойдан кўтарилганда ва озод бўлганда эди, унда ҳар икки бўлак қовушмоқлик ва муҳаббатда тенглашган бўларди.

Севгучининг қалби озоддир ва у билан бирга қовушган қаерда эканлигини билади ва унга интилади, йўл олади, у билан кўришмоқ учун уни ахтаради, агар кўлидан келса, уни бағрига тортади.

Бу оҳанграбо ва темирга ўхшаш нарсадир. Темир моддасининг кучи билан боғланган оҳанрабо моддасининг куввати гарчи у билан бир хоссага эга бўлиб, унинг бағрига интилса-да, лекин ажралиб, алоҳида бўлиб чиқиш учун етарлича куч-қувват ва қобилиятга эга эмас. Лекин темир жисмининг қуввати шунчалар кучлики, у ўзига монанд нарсага томон интилади, зотан, ҳаракат доим кучи ортиқроқдан чиқади, темирнинг қуввати эса моҳият эътибори билан эркин ва унинг йўлида ҳеч қандай тўсиқ йўқ ва у ўзига ўхшаш нарсани қидиради. Атайлаб ҳамда ўз ихтиёри билан эмас, балки табиатига ҳамда заруратга кўра ўшанга томон шошилади ва тамоман унга берилади. Сен темирни қўлга олганда, у интилмайди, чунки уни тутиб турган кучни енгишга қурби етмайди. Агар темир парчалари кўпайишса, улар бир-бирлари билан овора бўлишиб қоладилар ва ўзларига монанд билан кифояланадилар. Улардан узоқлашган кучларнинг кичик бўлакларини ажратиб ўтирмайдилар, Оҳанрабонинг салмоғи ортса, унинг кучи темир салмоғининг кучига тенглашади ва у ўз одатий ҳолатига қайтади.

Тощдаги ўт ҳам худди шундай. Икки жисмни қисиб бир-бирига қаттиқ уриштирмагунча қайдадир яширинб ётган учкунларини намоён этиб бўлмайди. То шундай қилинмагунча, ўтнинг кучи тощда яширинб ётаверади ва ўзини ҳеч кўрсатмайди.

Буни яна шу нарса ҳам кўрсатадики, сен ораларида ўхшашлик ҳамда табиий хислатлари мос тушмаган икки севишганни ҳеч учратмайсан. Ўхшаш белгилар кучайган сайин мослик ҳам ортиб боради ва муҳаббат зўраяди. Атрофингга қара, ўзинг бунга амин бўласан.

Аллоҳ элчисининг — унга Худонинг раҳмати ва саломи бўлсин! — сўзлари ҳам буни тасдиқлайди: — Қалблар — жамланган қўшинлардир. Бир-бирларини таниганлари — қовушадилар. Танимаганлари — тарқалишади. Солиҳлардан бири яна унинг шу сўзларини ҳам келтирган экан: — Мўъминларнинг қалблари бир-бирларини танийди.

Букротни бир кимса яхши кўрган экан. Уни барча камчиликлари билан Букротга таърифлаб берганларида, у хафа бўлиб шундай деб айтган экан: — Бу кимсанинг мени яхши кўрганлигининг боиси шулким, унинг баъзи хислатлари менга ўхшаб кетади.

Афлотундан нақл қиладиларки, подшоҳлардан бири уни зиндонга ташлабди. Афлотун ўзини ҳимоя қилиб, айби йўқлигини исботлайдиган далиллар келтираверибди. Ниҳоят унинг гуноҳсизлиги аён бўлиб, подшоҳ унга нисбатан ноҳақлик қилганлигини англабди. Афлотуннинг сўзларини етказиб турган вазири подшоҳга шундай дебди: — Подшоҳим! Унинг айбсиз экани равшан бўлди, хўп сенга бундан нима?

Подшоҳ жавоб берибди: — ҳаёт номига қасамки, менда унга йўл йўқ. Фақат кўнглим нимадандир ғаш, негалигини билмайман.

Унинг бу сўзларини Афлотунга маълум қилишибди.

— Шундан сўнг мен, — дебди Афлотун, — дилимда ва хислатларимда унинг қалбига ўхшашлик ва монанд хислатлар топишга ҳамда унга қарши қўйишга уриндим. Мен подшоҳнинг хислатларини кўздан кечирдим ва у адолатни севиши, адолатсизликка тоқат қилолмаслигини кўрдим. Ўзимда ҳам худди шундай хислатлар мавжудлигини сездим. Шундан сўнг ана шу ўхшашликни бироз ҳаракатга келирдим. Ўз кўнглимда бор хислатни унинг дилига рўбарў қўйган эдим, подшоҳ дарҳол мени зиндондан озод қилишни буюрди.

Подшоҳ эса сўнг ўз вазирига шундай деди:

— Афлотун туфайли менинг юрагимда зил бўлиб ётган алланима тарқалиб кетди.

БУЛУТ

Эртакдаги мўъжизасимон
Улкан булут сузар оҳиста.
Гоҳ тутақар бамисли қоплон,
Гоҳ жилмаяр мисли гулдаста.
Баъзан қизлар юзидай оппоқ,
Баъзан душман қалбидай қора.
Гоҳо айиқ, гоҳида тойчоқ,
Гоҳо кўпик тошган тоғора.
Гоҳ тоғларга ўрмалар беҳол
Судралгандай ўқ теккан бургут.
Ҳа, оламнинг актёри мисол
Ҳар хил тусга киради булут,
Болаликда булут кўрсам рост,
Бекинардим онам қўйнига.
Гўё босиб келгандай бехос
Осилардим отам бўйнига.
Энди менинг ёшим улғайган,
Йироқ эрур кўрқинчли туйғу
Аммо ҳамон кўрсам дафъатан
Хаёлларга чулғаб кетар у
Абстракционист ижоди монанд
Ер искамас оёғи, бироқ
Негадир у бизлардан баланд,
Ерга тушар, момақалдироқ!..

КУМУШКОН

Кумушконнинг ҳавоси тоза
Юксакларга ўрлайди тоғлар.
Бойлигини айлаб овоза
Анқиб ётар мевазор боғлар...
Бу тоғларнинг қоронғу тунин
Нурга белар сўнгсиз юлдузлар
Гуллар безар Кумушкон тунин,
Бундай жойни топмайсиз излаб
Зилол суви тонгдай мусаффо,
Бахш этади кишига қувват.
Бир бор ундан симирсанг ҳаво,
Яна бормоқ истайсан албат.
Борми дейман Кумушкон сеҳри.
Бир кўришда хаёлим олди
Кумушконнинг оловли меҳри
Юрагимга ўрнашиб қолди

Анвар ИМИНОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАТБУОТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ ЖАМҒАРМА БОШҚАРУВИ ҚУЙИДАГИЛАР УЧУН 1996 ЙИЛГА ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ:

I. «Доминант», «Планета» ва бошқа турдаги машиналарнинг қолиплари, қовучқлар ва уларга эҳтиёт қисмлар, астролон матбаа бўёқлари, фотопленкалар;

II. Хорижда тайёрланган юқори сифатли турли номинациядаги қоғозлар, картонлар етказиб беради.

III. Рангли слайдлар, буклетлар ва бошқа матбуот-босма маҳсулотлари тайёрлайди.

IV. Жаҳон стандартларига мос этикетлар, қуритилган мева ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари учун ранг-баранг безакли қулай қоғоз қутилар тайёрлаб беради.

V. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги (Германия, Бельгия, Голландия, Франция, Туркия, Россия) замонавий илғор технология билан жиҳозланган босмаханаларда малака ошириб қайтиш учун гуруҳлар тузади.

VI. Электрон ҳисоблаш машиналари, компьютерларда макет тайёрлаш ҳарф териш, босмахонада газета, китоб ва бошқа босма маҳсулотларини тайёрлаш бўйича курсларда машғулотлар ўтказади. Машғулотлар Тошкент шаҳрида ташкил этилади.

VII. Жойлардаги мавжуд ЭҲМ ва компьютерларни созлаб, программалаштириб ишга тушириб беради.

Шартнома тузиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.
Тел. 44-37-87, 44-37-86
Факс — 44-11-35
Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқаруви.

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган
Буюртма: Г — 042.
3341 нусхада босилди
Сотувда нархи эркин
Ҳажми 2 босма табоқ
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди

Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32. Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи муҳаррир — Ҳусниддин Қутбиддинов
123456

Миллий Тиклани ш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1996 йил, 23 январ | 4(33)- сон

ЮРТНИНГ ОҒИРИН ТОРТАР...

ЮРТ ОҒИРИН ТОРТОЛГАН АСЛИ ЮРТ БОШИ БЎЛУР, ФАҚАТГИНА ХАЛҚ ЯШАР, ФАҚАТГИНА ҚОЛУР ХАЛҚ.

Абдулла ОРИПОВ.

Баъзи адабий, тарихий, илмий-мемуар асарлар одамнинг миллий мағзини фавқулодда тўлиқ акс эттиради. Улардан халқнинг тарих умммонидаги беҳудуд уринишлари, ўзи, ўзлиги ва ўзига Самолар эгаси томонидан ирода этилган замин пучмоқларини асраш йўлидаги жонбозликлари ва ниҳоят, шу жараёнларда қалби ва онгининг ажиб бир тарзда сувратланишларини тўла уқиб олиш мумкин. Бундай асарлар ноёб бўлади ва улар миллатни тўла маънода миллат қилишга бетакрор, ўлмас улуш қўшади. Яқинроқ жойлардан мисол келтирадиган бўлсак, мен Грибоедовнинг «Ақллилик балоси», Тагорнинг романлари ва Бобурнинг «Бобурнома»сини шундай асарлар сирасидан деб тушунаман.

Бобур ўз бошидан ва демак, миллат бошидан кечган (Бобур — миллатнинг том маънодаги тимсоли эди. Умуман, ҳар қандай маърифатли, оқил ҳукмдорлар доимо ўз миллатларининг тимсоли бўлиб келганлар) кўп ибратли воқеалар ҳақида ҳикоят қилар экан, ўзини чалғитмоқчи, адаштирмоқчи бўлганлар тўғрисида ҳам гувоҳликлар қолдириб кетгандир. Чалғитиш азалдан бор экан. Илоҳий битикларда ҳам чалғитиш борасида кўп фожиали ва ҳакимона қиссалар битилган. Одамзод воҳид Худони танигунча ва унга тўла иймон келтиргунча қанчалар чалғимади. Қанчалар санамларга сиғинмади. Қанчалар олддан, ортдан, ўнгдан, сўлдан шайтон васвасаларига учмади.

Лекин Салим бўлгач, Ягона Саломни танигач, у ўз қаттол ғанимини ҳам ниҳоят билди. Аллоҳ танитди унга бош ғанимини.

Чалғитишга учадиганлар, чалғитишга қарши туролмайдиганлар тарих ва инсоният, ўз халқлари олдида доим уялиб қоладилар. Ахир Ирокдай маданий мамлакатни шу аҳволга келтирган Саддам ҳам ўз-ўзича шу ҳолга тушмагандир. Кимлардир уни чалғитган. Васвасага солган, юрагида ваҳший ҳисларни жунбушга келтирган. Нурмуҳаммад Тараккий ўз-ўзидан ўзини ва Афғонистонни шу аҳволга келтирдими? Йўқ, ўз-ўзидан эмас! Аллакимлар уни чалғитган. Унинг қўйни ва қўйнигина эмас, онгини ҳам пуч ёнғоққа тўлдирган.

Югославия, Чечен диёри, Яқин Шарқдаги фожиали воқеаларда чалғишлар ва чалғитишлар қанчалар мудҳиш ва қонли ўйинларни майдонга чиқарди. Мисоллар кўп. Ғоятда ибратли. Агар жиддий муҳофазада бўлинмаса, хатарли тус олиши ҳам ҳеч гап эмас.

Кўпроқ кимлар чалғийди? — деган савол ҳам туғилади. Яна ким билсину, лекин аксаран миллат тимсоли бўлолмаган, фақат ҳокимият парастлик шиддати билан юзага чиққан ҳукмдорлар чалғишга мойил ва қобил бўлади.

Ўзбекистон бу ҳодисаларнинг буткул акси ўлароқ кейинги йиллар ичида бахтиёр ва саодатли тақдир эгаси бўлди. Ўзбекистон бахтли мамлакат деган ишончли сўзни мен кўп чет элларнинг одамларидан, давлат раҳбарлари, сиёсатдонларидан эшитдим. Германияда ҳам ҳар нарсанинг рационал мағзини қидирадиган, топадиган ва чақадиган немислар ҳам шу фикрни бир эмас, бир неча бора билдирдилар. Улар барча ҳолларда Ўзбекистон бахту саодатини унинг Президенти Ислом Каримов номи билан чамбарчас боғлайдилар. Биз қуруқ ҳавойи гаплар, мақтовларнинг нима эканлигини биламиз. Улар кимларнинг димоғини шишириши ҳам эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Аммо гап мамлакат, халқ, миллат учун ҳаммадан кўпроқ, ҳаммадан яхшироқ, ҳаммадан самаралироқ, фидойироқ ишлаётган давлат раҳбари ҳақида борганда, мамлакат бахт-саодатини унинг йўлбошчиси сиймоси фаолияти, ақлиродаси орқали тасаввур қилиш — фақат миллий ифтихор уйғотади. Сир эмас, кейинги уч юз йил ичида биз шу туйғумизни бой берган эдик. Йўлбошчи етишмай ёки етишганлари омонсиз қисматларга учраб, миллат пароканда ва фаромуш, мунглуқ ҳолга етган эди. Юртбошилар ўтмишда турли тарихий шароитларга кўра юрт дардини енгиллатолмадилар. XX асрнинг сўнгига келибгина халқ йўлбошчи деган саодатга эришди. Халқ шоири юз карра ҳақ:

Юрт оғирини тортолган асли юрт боши бўлур.

Бу гапларнинг ёзилишига боис кечагина Москвада бўлиб ўтган мустақил давлатлар раҳбарларининг учрашувлари. Ва шу учрашувлардан сўнг она юрт сари қайтаётганда Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон телевидениеси учун қилган суҳбати.

Шу мамлакатимнинг фуқароси сифатида мен нимадан фахрланаман? Бунга боис аввало, Президентнинг мустақил инсон, мустақил давлат арбоби, мустақил йўлбошчи сифатида фикрлашидир. Президент Москва учрашувларида ўртага ташланган уч катта масала хусусида сўзлади ва халққа уларни ҳар томонлама таҳлил асосида тушунтириб берди. Учала жуда муҳим, жиддий, тақдирсоз масалада ҳам у мустақил давлат раҳбари сифатида ҳеч кимникига ўхшамаган ўз қарашлари, нуқтаи назари, позициясини баён этди. Бу қарашлар — унинг тугал эътиқоди. Шунинг учун ҳам Елциндай омилкор Президентни ўз нуқтаи назарига ишонтира олган.

Ахир келинг, ўйлаб кўрайлик. Ҳамдўстликнинг «умумий чегаралари» деган гап кейинги йилларда айрим доиралар томонидан қайта-қайта тилга олинмоқда, учрашувларда тўхтовсиз ўртага ташламоқда. Нега? Чунки айрим қийналиб турган, оғирчиликлар остида эзилиб қолган мамлакатлар бу гапга бирдан кўниб қолишлари мумкин-да! Ҳолбуки «умумий чегара» деган сўз агар у қабул қилинса, ҳар қандай мустақиллик дарҳол йўққа чиқди демакдир. Ростдан ҳам, Президент айтмоқчи, ўз чегараларини ўзи қўриқлай олмайдиган мамлакат қандай мамлакат ва у қандай қилиб мустақил бўла олади?

— Йўқ! — деди Президент қатъият билан. — Биз ўз чегараларимизни ўзимиз қўриқлаймиз! Бунга кучимиз ҳам, қудратимиз ҳам етади!

Бошқа ҳамма гапларни қўйиб турганда ҳам, эҳтимол худди шу ишончли, ўктам сўзлардадир асли халқимизнинг бахт-саодати! Ахир шу эмасми келажагимизнинг иродаси!

МУҲАРРИР

МУҚАДДАС РАМАЗОН ОЙИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



ТЎЙНОМА

Илм оташгоҳида пўлатдай метин-мустаҳкам Пўлат иродадан бино бўлган, Азиз устоз!

Етмишга кирганингиз муборак бўлсин, ундан-да аввал, миллий маданиятимиз тўридаги эътиборли ўрнингиз ўзингизга қутлуғ бўлсин ва буюрсин. Етмиш ёшга етганлар бисёрдир, аммо замондошларининг ботиний иқрорида-ю зоҳирий изҳорида азиз саналганлар унча кўп эмас.

Сиз ҳазрат Алишер Навоийнинг фикр уммонидан дур териб, нур ва тафт олган, поклик иқлимига йўғрилган бахтиёр зотсиз. Яхшиликнинг сурати қандай бўлур десалар, бир кўринишни мана бундоқ бўлур, деб Сизни кўрсатсалар, ўринлагай!

Бу қадр-қимматнинг шоҳсупасига Сиз чўнг сабр ва заҳматлар ила етиб келдингиз. Аввали Аллоҳ, сўнгра Сиз азиз қилган улуғлар руҳи мададкорингиз бўлмиш. Моҳларойим тегранглизни дуо бирла қўриқлайдур. Ал Беруний, Ибн Сино, Бобур Мирзо ҳазратларининг ва Қўқон адабий гулшанини мунаввар этган не-не зоти покларнинг руҳи бугун Сизга ризолик айтиб турадур.

Бузрукворингиз зако ила Сизга Азиз дея ном қўйибдилар. Эзгу ниятлари ижобат бўлди. Аллоҳ Сизни шу азизликлар ичра омон-омон асрасин, устози Азиз!

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази

НАСИБАНГИЗ УЛУҒ БЎЛСИН!

19 январ куни устоз Азизхон Қаюмов таваллудининг етмиш йиллиги нишонланди. Алломани қутлагани бутун Қўлёзмалар институтининг илмий жамоаси, Ўзбекистон фанлар академиясининг йирик олимлари, яқин дўстлар, биродарлар, шогирдлар ва мухлислар жам бўлдилар.

Академик Иброҳим Искандаров олиб борган анжуманда алломанинг ибратли ҳаёт йўли, асарларининг илм-фан дунёсидаги қиммати, илм билан муъайян бўлган инсонийлик ҳақида ҳаяжонга тўлиқ сўзлар айтилди. Йўллар, устозлар ёдга олинди.

— Онам мени доим Худо насибангни улуғ қилсин, болам! — деб дуо қилардилар, — деди устоз анжуман сўнгида. — Нимага эришган бўлсам, ўша дуонинг файзидан деб биламан. Ва етмишга тўлган чоғимда сизларга ҳам шу сўзларни такрорлагим келади: Насибангиз ҳамиша улуғ бўлсин!

ТАЁҚНИНГ иккинчи учи

ШАРҚ ДЕМОКРАТИЯСИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Бугун «демократия» сўзи ҳамманинг тили учида туради. Қизил салтанат қулагандан сўнг, айниқса, бу калима машҳур бўлиб кетди. Шарқий Оврўпо, Кафказ, Болтиқбўйи, Марказий Осиё кенгликларига ҳам ёйилди. Албатта, «демократия» талаб қилар экан, ҳар ким аслида дилида ҳар хил ўйлайди, «демократия»дан ўзича фойдаланмоқчи, ўзи истаган нарсани топмоқчи бўлади, у ҳақда биров жиддий гапиради, биров — истеҳзо билан, биров — шундай демоқнинг пайти келиб тургани учун. Бу ҳолат менга бир воқеани эслатади: қоронғу ўрмонда кетаётган тўда одамлар филга дуч келиб қолишибди. Йўғон оёқларини тутамлаб, бирови: «Оғайнилар, саройга келиб қолдик, шекилли, мен устунларини ушлаб турибман» — дебди. Иккинчиси филнинг думини ушлаб: «Қочдик, илонга дуч келиб қолдик!» — деб бақирибди. Яғринини сийпалаб кўриб, учинчи одам: «Ҳали совиб улгурмаган кўрпа бўлса керак?!» — деб ўзича ўйлабди... Демократияни ҳам худди шундай тушуниш йўқ эмас. Еки биров уни гапириш, ични бўшатиб олиш деб тушунади, ўтмишни қўмсаган бошқаси уни «каттиқ интизом» деб тушунтирмоқчи, ҳамманинг оғзини ёпиб қўймоқчи бўлади, кеча кун бўйи домино суриб маош олган такасалтанг боқим бугун ишлаш пайти келганини тушунмасдан: «Демократия деганлари шуми?» — дея ёзғиради, кимдир «демократия»дан қўрқади, кимдир у билан қўрқитмоқчи бўлади.

Демократияни тўлалигича англашга — «филни фил ҳолича» кўришга вақт керак. Булар шунчаки бир фикрлаётган одамнинг шахсий мулоҳазаларидир. Ҳаққоний тасаввур эса турли мулоҳазалардан тикланади.

Давоми иккинчи бетда

Кўҳна ҲИКМАТЛАР

Конфуций айтган экан...

ИККИНЧИ ФАСЛ

1. Устоз айтарди:

— Фаровонликдан келиб чиқадиган ҳукумат бамисли Олтин Қозиқ юлдузига ўхшайди: у ўз ўрнида қўзғалмай туради, бошқа юлдузлар эса унинг атрофида айланадилар.

4. Устоз айтарди:

— Ўн бешимда илмларга шўнғидим. Ўттизимда — қуюлдим. Қирқимда — шубҳалардан халос бўлдим. Эллигимда — Осмон иродасини англадим. Олтмишимда — қулоғимни ўзимга бўйсундирдим. Етмишимда меъёрдан чиқмай кўнгил хоҳишларига юраман.

5. Мэн И-сзи фарзандлик бурчи нима деб сўради. Устоз жавоб берди:

— Тузукдан чиқмаслик.

Фан Чи от аравани ҳайдаб борарди, шунда Устоз айтди:

— Мэн Сун мендан фарзандлик бурчи нима деб сўради. Мен унга: тузукни бузмасликдир деб айтдим.

— Бунинг маъноси нима? — деб сўради Фан Чи.

Шунда Устоз жавоб берди:

— Ота-она тириклигида уларга яхши хизмат қилмоқдир. Қазо қилсалар — кўмиб келмоқ ва зарур русумларни адо этмоқликдир.

6. Мэн Убо тавозекор ўғил қандай бўлади, деб сўради. Устоз айтди:

— Фақат бетоблиги билангина ота-онасини ташвишга соладиган ўғил.

7. Сзию тавозели ўғил қандай бўлади, деб сўради. Устоз жавоб берди:

— Ҳозир ота-онасига боқишга қурби етадиган ўғилни тавозели деб билишади. Лекин итлар ва отларни ҳам боқадилар. Агар ота-онага ҳурмат бўлмаса, бунинг нима фарқи бор?

11. Устоз айтарди:

— Эскиликни ўзлаштириб олган ва янгиликни англашга қобил киши устозлик қила олади.

13. Сзигун ҳақиқий эр қандай бўлади, деб сўради.

— Аввал ўйлаганини адо этади, — деди Устоз, — ана ундан кейингина буни гапиради.

15. Устоз айтарди:

— Агар ўқисангу ўйламасанг — чалкашиб қоласан. Агар ўйласангу ўқимасанг — шубҳалар тагида қолиб кетасан.

17. Устоз айтарди:

— Ю! Билим нима эканлигини сенга айтайми? Бир нимани билсанг, билдим деб ҳисобда. Агар ниманидир билмасанг, билмадим деб ҳисобла. Мана шу нарса билиш бўлади.

19. Ай-гун деган князь сўради:

— Халқни нима билан бўйсундириш мумкин?

Устоз Кун унга шундай деди:

— Виждонли ва ҳалол бўлганларни инсофсизлар устидан юқори кўтарсанг, ҳалойиқ бўйсунади. Агарда инсофсизларни виждонли ва ҳалол кимсалар устидан юқори кўтарсанг, халойиқ бўйсунмайди.

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Республикамиз кундалик ҳаётига кириб келаётган имкониятларнинг ҳар бири муҳим эканлиги билан ўз қадрини топмоқда. Бурунги тузум даврида бизга бегона бўлган соҳалар, амаллар билан бугунда ўзимиз бевосита тиллашаяпмиз.

ТошДУ журналистика факултети ҳам ўз имконияти даражасида талабалар учун янгиликлар ярата бошлади. Ўтган йил охирида факултетда хорижий журналистика бўлими тузилиб, тест имтиҳонлари асосида 3-босқич талабаларидан 9 нафар, 4-босқичдан 6 нафар талаба сараланиб қабул қилинди. Тест имтиҳонлари вақтида Андижон Давлат университети талабалари ҳам иштирок этиб, 1 нафари янги бўлимда ўқишга муваффақ бўлди. Бундан ташқари, айни кунларда Қорақалпоғистондан бир неча илму толиблар кутилмоқда.

Хорижий журналистика бўлимида ҳозирча уч тил: инглиз, немис, франсуз тилларида гуруҳига қараб дарс олиб борилади. Бўлимнинг 3 компютер, видео, магнитофон ва бошқа жиҳозлари мавжуд. Ўқиш феврал ойидан бошланади. Ҳисоб-китобларга қараганда, хорижий журналистика бўлими талабалари 8 ойдан сўнг четга тажриба орттириш учун тайёр бўлишади.

Бу биз учун ғоят қувонарлидир. Ҳозирча эса, факултет ўқитувчиларини табриклаб, талабаларга омад тилаб қоламиз.

Б. ПИРНАФАСОВ

ШИДДАТЛИ ЗАМОН ТАЛАБИ

Мамлакатимиз президенти истиқлол ишида, уни мустаҳкамлашда ижодкор зиёлилар, ёзувчилар, журналистлар алоҳида ўринга эга эканлигини ҳар доим таъкидлаб айтади. Мамлакатнинг маданий тарихига буюк улуш қўшган адиблар ва алломалар ҳақида билдирган барча фикр-мулоҳазаларида меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эътибор барқ уриб туради. Президентнинг ижодкор зиёлилар билан учрашувлари ва уларда ўртага ташланган мустақилликнинг ранг-баранг ғоялари ҳаммамизнинг ёдимизда. президент бу учрашувларда маънавият, миллий мафкура, миллатнинг шаклланиши масалаларига алоҳида тўхталган, айтиш мумкинки, мустақилликка эришган ёш давлат учун бенихоя муҳим аҳамиятга эга ушбу ғоятда мураккаб, осон бўлмаган масалаларнинг назарий асосларини белгилаб берган эди.

Шундай учрашувлардан бирида, 1993 йилнинг апрелида Президент бир гуруҳ ёзувчилар билан учрашиб, мамлакат халқи, шу жумладан ёзувчилар олдида турган вазифаларга ўз қарашларини шундай баён этган эди:

«Ўзбекистоннинг бугун фақат битта йўли бор, у ҳам бўлса, ўзининг мустақиллигини мустаҳкамлаб, фақат олға юришдир. Бошқа йўл йўқ.

Энди бу ғоянинг ҳозирги мураккаб вазиятдаги маъносини халқимизга тушунтирмасак, шу пайтда иккиланиб турсак, келажак авлодга хиёнат қилган бўламиз. Агар хушёр бўлмасак, ўзимизни, бу муқаддас заминни, келажак авлод манфаатларини ҳимоя қилмасак, бизни ҳеч ким кечирмайди. Ҳозир қийин, лекин қайси даврда, қайси замонда эркинлик осонлик билан қўлга киритилган?

Буни сизлар жуда теран англайсизлар, бу гаплар юрагингизга яқин деб ўйлайман. Шу нуқтаи назардан ўзаро фикр алмашиб, якдиллик билан ҳаракат қилишимиз зарур. Шу масалада, маънавий инқироздан чиқишда, сиз қаламкашлар, энг асосий етакчисиз...»

Ўша пайтда —1993 йилнинг баҳорида ҳақиқатан ҳам маънавий инқироздан чиқиш, президент айтмоқчи сиёсий онги уйғонаётган халққа маънавий мустақиллик озиғини бериш давлат ва жамият миқёсларида катта аҳамият касб этган эди. Ўшандан бери кўп вақт ўтгани йўқ. Уч йил қарийб... Лекин бу уч йилда қилинган ишлар, маънавият учун олиб борилаётган кураш уч юз йилга татийди.

Замон шунчалар зўр, шунчалар шиддатли, шунчалар тезкорки, орада адо этилган ишларни чамалаб кўрилса, ақл бовар қилмайди. Миқёслар муболағали бўлиб кўринади. Лекин бунда ҳеч қандай муболаға йўқ. Биз энди аввалги ошириб-тошириб, бўяб-бежаб кўрсатиш иллатларидан тамомила қутулганмиз. Қилинган ишларнинг бари реал мазмунга эга.

Ўша маънодор, ўша салмоқли сўзлардан сўнг кўп ёзувчилар енг шимариб ишга бел боғладилар. Мамлакатни маънавий ва қолаверса, мафкуравий юксаликка кўтарилишида ўз вазифаси, ўз ўрнини белгилаб олди. Янги давлатга, унинг биринчи мустақил, том демократик асосда сайланган биринчи Президентга шу соҳаларда ўз кўмагини берди.

Лекин кечган уч йил Президент ўртага қўйган муаммоларнинг ўткирлиги, долзарблиги, ўта ҳаётийлигини заррача камайтиргани йўқ. Маънавият ва мафкура соҳаси шундай эканки, қанча кўп иш қилинса, ортидан яна шунча ва ҳатто аввалгисидан ҳам кўпроқ ва жиддийроқ иш майдони очилаверади. Мустақиллик шундай улуғ ҳодиса. У ҳеч кимга бир зум бўлсин ишлардан қаноат ҳосил қилиб ўтиришга, талтайишга йўл қўймайди, изн бермайди. Мустақиллик ҳар куни, ҳар соат енг шимариб, ақлни қаттиқ ишлатишни талаб қилади. Шунинг учун Президент доим такрорлаб айтадики, мустақилликка фидокорлар керак. Етакчилар керак. Сиёсий фикри истиқлол сари ўсганлар керак.

Куни кеча, 18 январ куни бўлиб ўтган Ёзувчилар уюшмаси котибиятининг кенгайтирилган йиғилишида сўзловчиларни эшитиб ўтириб, Президент барчамизнинг олдимизга қўйган вазифалар, даъватлар, қўйилган саволлар ҳали андак бўлсин эскирмаганлиги, кун тартибидан тушмаганлигини англадим.

Халқ ўртасида, зиёлилар ва қалам аҳли ўртасида ишонч, аҳиллик, жипсликни мустаҳкамлаш, жамият ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришларни поғонама-поғона, қадам-бақадам мустаҳкамлаб бориш маънавият, маърифат мустақил давлат сиёсатининг таркибий қисми эканлигини бир зум бўлсин ёддан чиқармаслик устида сўз борди.

Ёзувчилар уюшмасининг раҳбарияти мураккаб даврда, ва шу билан бирга ҳар қанча фахрланса арзийдиган даврда иш олиб борди. Мустақилликни мустаҳкамлашда ўз улушини қўшди.

Лекин ёзувчилар йиғинда таъкидлаб айтганларидек, замон шиддат билан тез ўтиб боряпти. Мамлакат ва унинг халқи олдида янгидан янги вазифалар кўндаланг бўлмоқда. Мустақиллик манфаатлари йўлида халқ бирлашяпти, жипслашяпти. Эндиликда ижодкор зиёлилар ҳам ўртада туғилган ва тирик ҳаёт жараёнларида табиий бўлган айрим паст-баланд гапларни катта оқимдан четга улоқтириб ташлаб, истиқлол манфаатлари учун бирлашиб, биргалашиб, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсинлар. Президент, ҳукумат, жамоатчилик уларнинг бу йўлдаги барча хатти-ҳаракатларини қўллаб-қўлтиқлайди. Ёзувчиларнинг жамоатчилик ташкилотига имкон кўтарган моддий-маънавий мададини аямайди.

Йиғинда сўзлаган Ўзбекистон Вазирлар маҳкамаси Бош вазирининг ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жамол Камол ана шулар ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Йиғилишда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Жамол Камолнинг ижодий ишга ўтиш ҳақидаги фикрлари инобатга олиниб, унинг Ёзувчилар уюшмаси раиси лавозимидан ўз ихтиёри билан бўшаш тўғрисида берган аризаси бир овоздан қабул қилинди. Ва котибиятнинг қилинган ишлар юзасидан унга миннатдорлиги билдирилди.

Кенгайтирилган котибият йиғилиши Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповни уюшма раиси лавозимига тавсия этди ва Абдулла Орипов Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг раиси этиб сайланди.

«МТ»

Тилда эмас, дилда бўлсин

Хизмат тақозоси билан кейинги вақтларда кўпдан-кўп йиғинларда иштирок этишга тўғри келди. Ҳар йиғинларки, бирининг номи конференсия бўлса, бирининг номи симпозиум, бири мажлис, бири машварат, яна бири — анжуман, бошқаси — «давра столи», семинар, кенгаш, баҳс-мунозара, муҳокама... Расмий тус бериб буларни «тадбир» дейдилар. Демак, мамлакат, дунё миқёсидаги нимагадир чора изланади, муҳим нималардир муҳокама этилиб, тегишли хулосалар ясалади. Қисқаси, зарур ва фойдали тадбир.

Аммо таажжубли жойи шундаки, яна шундай йиғинлар ҳам борки, уларда аксарият қиёфалару бир хил «ойтқич»ларни учратасиз.

Дарвоқе, «ойтқич» деганимиз... Пойтахтдан бир одам «же»лаб сўзловчи узоқ қишлоқларимиздан бирига борибди. Меҳмон шарафига қилинган зиёратда ҳар гал қадаҳ кўтаришдан олдин косагул: «Ойт, Жонқобил!» деб қўярмиш. Жонқобил «ойтар»миш: «Жигит ўлмайиқ, бало кўрмайиқ! Вўтирған вўрнимиз жўғолмасин! Қаони, мейманжанлар, обжарингизлар, охиригача, ҳо-ов!» Ажабланган меҳмон аста сўрабди: «Сизларда қадаҳ сўзини фақат бир киши айтадими?» «Ойтқичимиз шў-да мейманжан!» деган экан даврадошлар.

Шунга ўхшаб, биз гувоҳ бўлган баъзи зарур-нозарур «ойтқич» — нотиқлар деярли бир хил эди. Эскидан таниш сўзлар, таниш иборалар. Буни билган тажрибалироқ давра аҳлилари «Эски оғизга янги гапми?» деган каби ҳар бири ўз иши билан машғул бўлиб ўтиради: кимдир яширинча газета ўқийди, кимдир олдидаги қоғозга алланималарни чизиб эрмак қилади, маърузани жон қулоғини бериб тинглаётгандек кўринган анови одам аслида бутунлай ўз хаёллари билан банд: тунов куни идорасини босган солиқчиларга қандай чап беришни ўйлаб бош қотиряптими-ей...

«Ойтқич»лар орасида шундай бийрон-бурроларни борки, кечаси уйқудан уйғотиб, туртиб қўйсангиз бас — исталган мавзуда исталганча маъруза қилиб бериши мумкин. Баъзида зуллисонайнлигини намойиш этмоқчи бўлибми ёки бошқа нарсанинг ташвишидами, «иккинчи она тили»да сайраб қолади. (Давлат тили қонунлаштирилганига 6 (олти) йилдан ошаётир!) Шунда кўнгилга хавотир оралайди: бу кишим ҳув анови йиллари мутлақо бошқа ашулани айтарди, бугунга келиб бундай деяпти, эртага бир кун, худо кўрсатмасин, эски ашуласини бошлаб қолмасмикан? У мамлакат, дунё ўзгарганини билдимикин?

Бу нутқ, бу маърузаларнинг кўпи худди бир қолипдан кўчгандек, бир оғиздан чиқаётгандек, кимдир шарилатиб газета ўқиб бераётгандек сип-силлиқ, бенуқсон. Нақд сўзамоллик мусобақаси! Кўҳна йиллар давомида машқи олинган-да! Офарин демай иложингиз йўқ. Офарин дейсиз-у, кейин унинг аслида нималар деганини эслаб кўрмоқ бўлсангиз — ҳеч нарса ёдда қолмабди. Ўша ўзингиз билган, ие, ҳамма биладиган сийқа сўзлар такрори, холос. Янгилик деса бўладиган бирор оғиз гап айтмабди. Демак, ҳаммани алдабди! Ҳой биродар, бу гапларнинг менга қизиғи йўқ, дардинг бўлса дардингни айт, йўқса, менинг бундан муҳимроқ ишларим бор деб, йиғиндан чиқиб кетай десангиз, камида одобсизлик, маданиятсизлик санайдилар. Хўш, шунча одамни ишдан қолдириб, вақтини ўғирлаб ўтириш одобданми? Ёки аниқ бир фикрингиз, элга айтадиган тозароқ бир гапингиз бўлмаса-ю, ёлғондакам лутф қилиб ўтириш маданиятданми?!

Модомики, кимнинг нима дейиши олдиндан маълум экан, бирон бир жонли фикр айтилмас, бирон бир муаммо ҳал этилмас экан, бундай дабдабали машварат қуриб, ўзаро гап маъқуллатиб ўтиришдан нима наф, нима мақсад?

Мақсад бор! Мақсад — тадбир! Хўжакўрсинга! Ўтказдингми, ўтказдинг, қандингни ур!

Яшириб нима, сиз билан биз кечаги замонда не-не дабдбали мажлис-у анжуманларнинг бевосита ёки билвосита гувоҳи бўлганмиз, коммунизмнинг нурли чўққиларини тараннум этувчи оташин нутқу маърузаларни тўйгунча этишганмиз. Лекин, очиғини айтганда, уларнинг бирортасига астойдил ишонмаганмиз; бу ишлар анчайин бурч ёки хизмат юзасидан, қолаверса, «ўйин қоидаси»ни бузмаслик, янада тўғрироғи, жон сақлаш учун қилинган. Натижада назариёт бошқа — ҳаёт бошқа, сўз бошқа — амал бошқа, яъни қуруқ ҳавозабозлик бўлиб қолган. Оқибати эса етти иқлимга аён.

Ишончсизликнинг асосий сабаби — у тантана-ю асъасаларда чинакам инсоний самимият, миллий манфаат руҳи йўқ эди. Таассуфки, бугунги кунда ҳам иш бир ёқда қолиб, тадбирбозликка рўй бераётган ташкилотлар оз эмас. Бунга қанча маблағ, қанча меҳнат, қанча умр сарф бўлади! «Ҳузур»и эса кўпинча қоғозга тан...

Бир оқсоқолимиз бўларди, бугун неча мажлисда қатнашгани, нечтасида ҳайъатда ўтиргани-ю нечтасида сўзга чиққанини айтиб ғуруранишни яхши кўрарди. Ҳар гал у кишининг гапини эшитиб, «Хўш, шу билан нимани обод қилдингиз, домла?» дегингиз келарди.

Майли, кўнгилни кенг тутайлик, бирор йиғинда қатнашмаган куни ётиб уйқуси келмайдиган хуморилар йиғилиб олиб ҳар қанча мажлис қилса қилаверсин. Ҳавотирли жиҳати шундаки, бундай сафсатабозликнинг кечаги замондаги каби ёлғон «ура-ура»лар-у андозаси олдиндан бичилган «ишлаб чиқариш»ларга айланиб кетмасмикан? Бу ҳол эса охироқибатда жамият ахлоқига, жамият тараққиётига салбий таъсир этмасмикан? Тилда эмас, дилда турмоғи лозим маърифат қуроли.

Бироқ, шуниси ҳам борки, ортиқча шиорбозлик, жамият ҳаётини ёппасига шиорлаштириш оммавий лоқайдликни, юзаки фикрлаш иллатини келтириб чиқариши ҳам мумкин. Кўз кўради-ю, шуур сезмайди, қулоқ эшитади-ю, қалб титрамайди.

Тўғриси, айрим мутасаддилар шиорбозликка ружу қўйган. Шиорсиз бир ишни бошлаёлмайди — гўё хато қилаётганга ўхшайверади. Кечаги тузумдан қолган бу иллат, таассуфки, ҳамон давом этаётир. Биз бу ўринда кўча-кўйлардаги пала-партиш, чаласаводларча битилиб, ўринли-ўринсиз осиб ташланган, кўзи тушган одамнинг энсаси қотадиган ҳар турли саёз ёзувларни назарда тутмоқдамиз. Масалан, қабристон дарвозасига битилган «Хуш келибсиз!» деган «лутфу карам»га нима дейсиз! Бу — маърифат эмас, фаросатсизликнинг ўзгинаси! Хўш, намунча шиорларга осилиб олдик? Гап шундаки, шиорлар, иқтибослар бояги мажлиссевар «ойтқич»ларнинг бамисоли жони, ноні, сўз луғатининг асосини ташкил этувчи беминнат хазина. Шуларни такрорлашни таъқиқлаб кўринг-чи, қани, нима гапи қолар экан?

Бирон бир шиор тилга олинганда ёки арбобларимиз нутқидан иқтибос келтирилганда, теран идрок этилиб, маъно-моҳиятини тубдан очиб берилмас ва ижодий шарҳланмас экан, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Аксинча, улар ҳарчанд муҳим, пурҳикмат бўлмасин, қадри кетади, оддий, кундалик гапларга айланиб қолади — хатарли жиҳати шунда.

Масалан, «Тинчлик, барқарорлик — энг катта бойлигимиз» деган машҳур шиорни ҳар қадамда кўрамиз, эшитамиз-у, бир қарашда соддагина туюладиган бу сўзлар халқимизнинг ҳаётмамотига дахлдор нақадар чўнг мазмун касб этишини ҳар доим ҳам англаб етавермаймиз. Худо кўрсатмасин, лекин бир зум тасаввур қилиб кўринг-чи, ана шу бойлигимиздан ажралсак нима бўлади? .. Узоққа бориб ўтиришнинг ҳожати йўқ... Уруш, можаро қонун-қоидани тан олмайди. Уруш ёшу қарини танламайди. Урушнинг кўзи кўр, қулоғи кар. Урушнинг катта-кичиги ёки адолатли-адолатсизи бўлмайди. Чунки қон тўкилган, инсон қони! У йиллар оша Азроил шарпаси мисол бесаранжом кезиб юради... Бу ёқда мамлакат вайрон, миллат проканда, насл фожиалар гирдобида... Ўртада эса минг бир даллол: минг бир муросачи! Ҳар бирининг кўзлаган мақсад-муддаоси бўлак!

«Тинчлик, барқарорлик — энг катта бойлимгимиз». Биз бу сўзларни хотиржамгина ўқиймиз, хотиржамгина эшитамиз, хотиржамгина такрорлаймиз. Яратган эгамга шукроналар бўлсин, биз тинч-осойишта яшамоққа, барқарорликка — энг катта бойлигимизга ўрганиб қолдик. (Афсуски, бу нарсанинг қадри баъзида билинмайди.) Энди ана шу бойликни қадрлашга, қўриқлашга, ғанимат билишга, зарурат туғилганда, ҳимоя қилишга ҳам ўрганмоғимиз, тайёр бўлмоғимиз керак. Негаки, узоқ-яқинда туриб унга ҳасад қилаётганлар, ғаним кўзи билан қараб тош отаётганлар, раҳна солишга уринаётганлар — шу тариқа бу ерда ҳам ўт чиқариб, базмига исинишни орзулаб юрганлар йўқ эмас.

Атрофга бир назар ташланг-чи... Кимдир худо ато этган бир қучоқ бойлигини дунёга кўз-кўз қилиб, ўзига ўзи маҳлиё бўлиб ўтирибди — бошқаси билан иши йўқ; кимдир бегона ноғорабазмга қўшилиб, узоқ-узоқларга қўл чўзиб тиланчилик қилиш билан овора; бирови янгиянги лойиҳалар ихтироси билан машғул; тағин бирови собиқ «оға»сининг оёғига бош қўйиб сиғинган; хонадонида бир кун ҳам осойишталик ҳукм сурмаган аламзада «оға» эса, сархушликда бой бериб қўйган мўмай ўлжаларини қўмсаб бадам васваса қўзғаб турибди; яна бир юртда ҳамон ҳокимият талашув, хунрезлик...

Ана шундай бир вазиятда биз тинч яшаяпмиз, барқарор кун кечиряпмиз, осойишталигимиз пойдор-мустаҳкам деб беғамликка, хотиржамликка берилиб бўладими?!

Ҳалиги оташин «ойтқич»ларимиз минбарни эгаллаб олиб, «Ватан! Истиқлол!» дея баландпарвоз нутқлар ирод этиб турганда кишини гоҳо оғир ўй босади: мабодо Ватан ҳимояга муҳтож бўлса, Ватан чорласа, мана шу сўзамоллардан нечови майдонда қолар экан? ..



Ватан ҳайқириб, жар солиб севилмайди; истиқлол — мулк эмас, моҳият. Моҳият қанчалик ботиний теран бўлса, шунчалик пойдор, мустаҳкам бўлади.

Президент Ислом Каримов дунёга илк бор Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилганда халқ вакиллари бўлмиш депутатлар, ростми, ёлғонми, ҳаяжонга тушиб, зал сув қуйгандек жимжит бўлиб қолган эди, деб эшитамиз. Президентнинг далдасидан сўнггина залда жонланиш юз бериб, қарсак бошланибди.

Қутилмаган бахт, ғалабадан одам шошиб, карахтланиб қолиши табиий, албатта. Аммо энди мустақил Ватан фуқароси бўлмоқ насиб этган экан, унга муносиб фарзанд бўлмоқ, унинг ҳар корига ярамоқ ҳам бурч, ҳам шараф!

Хорижлик бир мухбир шундай савол берган эди: «Мустақилмиз, мустақилмиз деяверасизлар, нима, ҳалиям мустақилликларингга шубҳаларинг борми?»

Унга жавобимиз бундай: биз мустқилликни узоқ кутган, орзу қилган эдик, шунинг учун фахр билан , ғурур билан кўп таъкидлаймиз!

Бироқ, ўйлаб қаралса, ўша мухбирнинг ҳам гапида жон бор. Дарҳақиқат, истиқлолга эришганимизга тўрт йилдан ошаётир. Бу сўзни ҳар қанча такрорласак, таъкидласак арзийди, албатта. Лекин ҳар нарсанинг ўрни, меъёри бўлади. Бизнинг мустақил давлат эканлигимизни аллақачон бутун дунё тан олган. Одам ўзининг исмини ҳадеб такрорлайверса ёки бор нарсани ҳадеб таъкидлайверса, эриш туюлмайдими? Қолаверса, беҳуда такрор ўша сўзнинг қадрига, нуфузига таъсир этиб, уни ҳув бир замонлардаги тушунчалар қаторига тушириб қўймайдими?

Мустақиллик — бизнинг бундан буёнги табиий ҳолатимиз, дунёда тутган ўрнимиз, ҳаёт тарзимиз. Бу тушунча бошқа мустақил давлатларда қандай меъёрда ишлатилса, биз ҳам худди шундай қўллаганимиз маъқул.

Умуман, давлат рамзларига муносабатда ўта эҳтиёткорлик лозим. Мустақиллик — давлатимизнинг бош белгиларидан. Ватан, истиқлол сингари муқаддас тушунчаларни сийқалаштирмай, амалий иш билан юксакликка кўтариш чинакам фидокорлик, чинакам ватанпарварликдир.

«Баландпарвоз гапларидан амалий ишларга ўтишимиз керак» (Ислом Каримов). Оддийгина сўзлар. Лекин, давлат раҳбарининг оғзидан чиққанда бу сўзлар алоҳида мазмун, алоҳида салмоқ касб этади. Бундай гапни давлат раҳбари бежиз айтмайди.

Унутилмас гуржи адиби Нодар Думбадзенинг «Ватан» деган бир очерки бор. «Ватан ўзи надир?» деган савол билан муаллиф турли тоифа одамларга мурожаат қилиб чиқади, ҳар ким ўз фикрини айтади.

Кўчада тасодифан дуч келган бир йигит саволни эшитиб, «Ватан .... Ватан учун мана шу оннинг ўзида, ҳеч иккиланмай, жон фидо қилиш мумкин, — дейди,— лекин унинг нима эканини сўз билан ифодалаб бериб бўлмайди».

Унча-мунча вайсақи «ойтқич»нинг лўзига ниқоб этган баландпарвоз хитобларидан мана шу биргина жавоб кўнгилга , демакки, моҳиятга яқинроқ эмасми, нима дедингиз?

Эркин АЪЗАМ

ТЎҚТАҒУЛ

БЎЛАРМИ?

Чайқалган ёли бўлмаса,
Отнинг кўрки бўларми?
Яхши сўзи бўлмаса,
Қартнинг[1] кўрки бўларми?
Майса, ўтлар чиқмаса,
Ернинг кўрки бўларми?
Яйлови молга тўлмаса
Элнинг кўрки бўларми?
Ўрдак, ғози бўлмаса,
Кўлнинг кўрки бўларми?
Сайрамаса саратон[2],
Чўлнинг кўрки бўларми?

Чиқармаса сочпопук,
Толнинг кўрки бўларми?
Жағида соқол бўлмаса,
Чолнинг кўрки бўларми?
Қирга буғдой сепилмаса
Ернинг кўрки бўларми?
Қорнинг музи бўлмаса,
Белнинг[3] кўрки бўларми,
Мушки — анбар таратмаса,
Елнинг кўрки бўларми?

Т. АДАШБОЕВ таржимаси

Изоҳ:
1. Қарт — кекса. 2.Саратон — ҳашарот. 3.Бел — довон.

ТАЁҚНИНГ ИККИ УЧИ

БИРИНЧИ МАҚОЛА. ТАБИАТ ДЕМОКРАТИЯСИ

Боши биринчи бетда.

Одатий мушоҳадаларга зид ўлароқ, «демократия» кеча пайдо бўлгани, йўқ, қолаверса, у Ғарбнинг маҳсули ҳам, айримлар ваҳима қилаётганидай, «макри» ҳам эмас, аксинча, демократия қадим-қадимда Шарқда шаклланган-дир, агар у макр бўлса, Шарқнинг макридир. Гарчанд биз кўп йиллар цивилизация тарихини румолардан, юнонлардан бошлаб ўрганган бўлсак-да, қадим маданий тараққиёт аслида ҳиндлардан, улардан ҳам аввалроқ чинлардану туркий аждодларимиз бўлган хунлардан бошланган бугун биз учун ҳам сир эмас. Файласуфларнинг «отаси» бўлган Конфуцийдан тўрашибди: «Тақсир, мана, Сиз бу бебақо дунёда анча яшадингиз. Яшаганда ҳам ақл-идрок, фаҳм-фаросат билан яшадингиз. Айтинг-чи, бу ўткинчи тириклик дунёсида одамдай яшаш учун керак бўладиган йўлни, тарзини биргина сўз билан айтганда, у қандай сўз бўларди?» Ҳаёт аччиқ-чучугини обдон тортган, қариб қолган мутафаккир қувлик билан жилмайиб: «Кенглик, болаларим, кенглик!» — деган экан. Аслида демократия шу — бағрикенглик, муроса, бировни чидаб эшитиш, кенгашиш, можароларни сиёсий йўл билан ҳал қилмоқ, қанчалик нокулай бўлмасин, ўзгача фикрни ҳам эшитмоқ, ҳамма ижтимоий табақалар билан, халқ билан ҳисоблашмоқдир. Инсоний муносабатлардаги ана шу бағрикенгликни давлатий сиёсатга айлантириб, уни «демократия» атайдилар.

Ривоят қилишларича, Арасту қўлида Искандар исмли бола таълим олган. Бир куни Арасту арқоннинг учларини мураккаб усулда тугиб, ўз ўқувчиларига ечиб беришни топширибди. Болалар у томонини-бу томонини ағдариб, чигал тугуннинг учини излаб ўтирганда, сиқилиб кетган Искандар арқонни олибдида, қилич билан тугунини шартта кесиб ташлабди: «Мана, устоз, тугундан қутулдингиз. Олинг тугунсиз арқонни!» Арасту кўп яхши-ёмонни бошидан кечирган одам эди, у бу ёш болага қараб: «Улғайсанг, подшоҳ бўласан, шекилли, болам!» — деган экан. Дарҳақиқат, ўша бола улғайиб Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) бўлди, дунёни кўп қонга ботирди. Демократия эса сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий муаммоларнинг «чигал тугун»ларини қилич билан эмас, сабр бардош, мушоҳада, муроса билан, эринмай ечмоқдир. Албатта, бу машаққатталаб иш, аммо демократия йўли шудир. Қадим чинларга қайтсак, донишманд Лао Цзи болаларига шундай насиҳат қилиб кетган эди: «Мен ҳам қариб қолдим. Болаларим, оғзимга қаранглар: қаттиқ тишлар тўкилиб кетди, юмшоқ тил эса ҳануз турибди». Кенглики, қайишқоқлики — демократияни васият қилганди дунё кўрган Лао.

Табиатга разм солсангиз, кўрасиз: қатъий шаклу шамойилсиз, шилдираган суюқ-ким сув қаттиқ темирни ейди, ўзи йитмайди. Совутсангиз музга айланиб олади, қайнатсангиз буғга эврилади. Куруқ чўпга қўйсангиз, барг чиқартириб, гуллатиб юборади. Инсон учун тирикликка фалсафа бўлгулик бир сабоқ эмасми тирикликнинг бир муъжизаси бўлган сувнинг ҳаёти! Инсон ҳам табиатнинг бир парчасидир, у умумтабиатнинг ички қонунларига бўйсуниши лозим ва у шунга мажбурдир, инсон, табиат ва унинг Яратувчиси йўсинларидан чекинган ҳар бир қадами учун муқаррар жазо оладди. Хоҳ экологик, хоҳ маънавий, хоҳ технократик фожиалар тарзида бўлсин, оқибат ва охират муқаррардир. Яна билмадим. Аллоҳ билади. Зеро, биламан дейиш кескинликдир. Узил-кесил биламан демоқ — банданинг чеки эмас. Миллатимизда бу тўйғу ҳамиша бор эди. Буни ҳатто... Афанди ҳам биларди. Насриддин Афанди қози экан. Бир куни қўшниси кириб, хотинидан арз қилибди. Обдон эшитган Афанди: «Сеники тўғри», — дебди. Бироздан сўнг қўшнининг хотини шикоят қилиб чиқиб-ди. Афанди уни ҳам эшитиб: «Сеники тўғри», — дебди ва қузатиб қўйибди. Буни эшитиб ўтирган Афандининг хотини аччиқланиб, дебди: «Қанақа одамсиз ўзи?! Бир масалада қандай қилиб иккови ҳам ҳақ бўлади? Аслида ким ҳақ?». Афанди мийиғида кулиб: «Хотин, аслида сен ҳақсан!» — деган экан. Дипломатиянинг боши шу эмасми?! Ҳар ҳолда халқнинг афандиёна ички сезгиси ҳамиша можароларда муомалани олдинга суриб келади. Миллатимиздаги ана шу босиқлик бугун ҳам бизни қирғинлардан асради.

Демократиянинг «формуласи» бўлган ушбу лутфни Хўжа Аҳрори Валийга нисбат берадилар:

Ин кора зинҳор намекунем,
Ин кора инкор намекунем.

Яъни, бундай ишни зинҳор қилмаймиз, қилганни инкор қилмаймиз, соддароқ айтганда, уни дарҳол инкор қилмаймиз, бошини кесиб ташламаймиз, тушунишга ва тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Буюк демократ Хўжа Аҳрори Валий муомала учун очиқдирлар. Бу ерда «диалог» мавжуд, большевизм эса «монолог» эди, партиясини ҳам «монолит» (таркиби бир хил) атарди. Хўжа Аҳрори Валий инкорга ётдирлар, муросага, мунозарага, музокарага тайёрдирлар. Моддиюнчи марксчилар «инкорни инкор қонуни»ни («закон отрицания отрицания») топдилар, ленинчилар уни қон тўкиб амалга оширдилар, чунки инкор, тушунишга ўринмаслик ҳамиша қурбонларга олиб келади. Валий ҳазратларининг лутфи фаранг файласуфи Волтерга юқади: «Мен сизнинг фикрингизга қўшилмайман, аммо сизда ҳам фикр бўлиши табиий, мен сизнинг ўз фикрингизни бемалол айтиш ҳуқуқингизни ҳимоя қиламан, мен бу учун жон беришга ҳам тайёрман», — дейди Волтер. Оврўподан ўммон ортига кўчган валиёна фикр XX аср Америка менежментининг битиксиз вакилларига нисбатан давлатий қарашга айланади ва демократия номини олади.

Демократия, менинг назаримда, бу мувозанатдир. Бундай мутаносиблик нафақат инсоний муомалада, ҳаётий тажрибада кўринади, бу тарозу табиатнинг ўзидаёқ мавжуд, дунёни Аллоҳ аслида шундоқ яраттандир. Аллоҳ отамиз — Одам Атони яратиб, ер юзини фақат эркаклардан иборат қилиб қўя қолмади, унинг қовурғасидан жуфтини — онамиз Момо Ҳавони ато этди, табиатда буюк бир уйғунликни мужассам этган яратувчи табиатнинг бир қисми бўлган инсонни ҳам жуфт қилиб яратди ва бир-бирининг зидди бўлган эр ва хотиннинг уйғунлашувидан насллар юзага келадиган қилди. Эр-хотин мувозанати бузилиши ҳам ҳамма инқилоблар каби инқирозга олиб келиши шубҳасиздир.

Ҳаёт фақат кечадан иборат бўлса, одам сиқилиб ўларди. Ҳаёт фақат кундуздан иборат бўлса, инсоннинг силласи қуриб қоларди. Тангри кеча ва кундузни бор қилди. Менинг назаримда Аллоҳнинг севган сони бўлса, у «икки» сонидир. «Бир» эса инжил Ўзидир. У танҳодир, якка-ю ягонадир, аҳаддир. Бильакс, мўъжиза — Унинг иноятидир, тақдир Унинг ваколатидир. Мен ўрисларнинг «Человек полагает, а Бог располагает» деган мақолини хуш кўрардим. Бу ҳикматнинг асоси ҳам боболаримиздан экан. Мутрибий ал-Асамм «Тарихи жаҳонгирий»да шаҳодатлик беришича, Амир Темур мақбарасининг ҳовлисида уч минор бўлган (Ҳозир бу минорлар йўқ). Уларнинг бирида шундай калом битилган эди: «Ал-абд юдаббир ва Аллоҳ юқаддир», яъни «Банда тадбир қилади, Аллоҳ тақдир қилади»

Коинотда ҳамма нарса уйғунлик билан воқеъдир. Деҳқон ишига разм солинг: уруғ қадаси, униб қўшалоқ барг чиқарадики, бунда буюк бир тилсим бор. Дунёда ҳар нарса иккилангандир, зидди — жуфти биландир: кун ва тун, вужуд ва руҳ мусбат ва манфий, яхши ва ёмон, «ҳа» ва «йўқ», тирик ва ўлик, эр ва хотин, ўғил ва қиз, сув ва олов, шакл ва мазмун, юмшоқ ва қаттиқ, иссиқ ва совуқ, шимол ва жануб, ғарб ва шарқ, гул ва булбул, ҳаёт ва ўлим, ошиқ ва маъшуқа, нур ва зулмат, оқ ва қаро, замон ва макон... Борлиқ дунёда қандайдир тарзда иккилик ҳоким. Қолаверса, борлиқнинг ҳам зидди бор — бу ҳувиллаган йўқлиқдир. Дунёда шу дуализм, диалектика зоҳир. Ахир, Тангри:» Ўзимдан бошқа ҳамма нарсани жуфт яратдим», — деган. Қуёшни «танҳо», «ягона», («Ёлғизлик яраша ёлғиз қуёшга») атамоқ — шоирлар хаёлоти, холос. Зеро, фазода Қуёш — миллиард юлдузларнинг биридир, Коинотда ундан-да улканроқ юлдузлар кўп. Оқшомлар маҳзуна милтираган «бева» Ой аслида ёлғизмас, у Қуёшнинг нурларини акс эттираётган кўзгудир, шунинг учун нур, шуъла таратади. Ой — Офтобнинг жуфти. Эрталаб туриб ойнага боқинг, ўз аксингизни, атрофингиз аксини кўрасиз, ойна ичидаги дунё — не дунё?! Аслида бу биз яшаётган дунё ҳам қандайдир улкан дунёнинг акси бўлса, не тонг. Буни Олам Ижодкори билади.

Шундай қилиб, борлиқ табиатда иккиликнинг азалий мувозанати борки, инсон ҳам унинг бир парчаси ўлароқ шу уйғунлик домидагина яшай олади. Буюк мутафаккир Жалолиддин Румий лутф этадиларки: «Улуғ тангри ҳар иккаласининг маълум бўлиши учун инсонлик билан ҳайвонликни бир ерга тўплаган. Ахир ашё қиймати зидди билан аён бўлади. Зидди бўлмаган нарсани таъриф этмоқлик имконсиздир. Улуғ тангрининг зидди бўлмагани учун ҳам: «Мен гизли бир хазина эдим, билинмоқни истадим» (Ҳадис) дея буюрилганидек, нурнинг ошкор бўлиши учун қоронғу этиб яратилган мазкур оламни мавжуд айлади». Демак, аслида бу қоронғу дунёнинг ўзи ҳам Аллоҳ нурининг ошкорланиши учундир. Ақл ва эҳтирос, бойлик ва қашшоқлик, қаноат ва нафс, сабр ва бетоқатлик мунозарасида гўё нур ва зулмат баҳс этади.

Таёқнинг — икки учи, тарозунинг — икки палласи, данакнинг икки қобиғи, тоғнинг — икки бағри бор. Инсоннинг — икки кўзи (ҳар ённи кўрсин), икки қулоғи (баҳсда икки томонни ҳам эшитсин), бурунинг икки тешиги бор. Тўғри, инсоннинг оғзи битта — ютади, аммо ютганини ичида тўплаб ўтиролмайди, оғизнинг зидди ҳам мавжуд.. Табиат ва унинг бир парчаси бўлган инсон азалдан мукаммал яратилган. Аммо инсон ўзини ҳам, табиатни ҳам не қийга солаётгани ҳайратлидир. Айтишларича, японлар собиқ СССРга келибдилар. Уларга машиналарни кўрсатиб, қандайлигини сўрашибди. «Сизда ажойиб болалар бор», — дейишибди японлар. Биноларни кўрсатишибди. «Сизда гўдаклар жуда гўзал!» — дейишибди меҳмонлар. Охири советларнинг тоқатлари тоқ бўлиб: «Машиналаримиз, биноларимиз-чи?! — дейишган экан, беозор японлар: «Кўл билан ясаган нарсаларинг унча эмас», — дейишибди. Кейин кўшиб қўйишибди: «Болалар эса бошқа гап!». Яхшиям болалар кўл билан ясалмайди. Инсоннинг яралиши — Аллоҳнинг мўъжизаси, ижоди.

Карим ҲАКИМЎҒЛИ

ҲАМЗА САҲНАСИДА ЯНГИ МАВЗУ

18 январ куни Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрида драматург Ҳайдар Муҳаммад асари асосида саҳналаштирилган «Жиноят устида ушлансин» спектакли премераси бўлиб ўтди. Спектакл Ички ишлар вазирлиги ҳомийлиги остида қўйилди. Унга милиция ходимлари, Олий милиция академияси талабалари таклиф қилиндилар.

Спектакл ички ишлар ходимларининг халқимизга кўрсатаётган хизматларига бағишланган бўлиб, юртимизда уюшган жиноятчиликка қарши олиб борилаётган курашни акс эттирган.

Премера тугагач, Республика ички ишлар вазири генерал-полковник Зокиржон Алматов сўзга чиқиб, барча тинчлик ва хотиржамлигимиз посбонларини Ҳамза театри саҳнасида илк бор саҳналаштирилган бу асар билан табриклади ва Ҳамза театрига Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг фахрий ёрлиғини топширди. Шундан сўнг, Республика Маданият ишлари вазири муовини Теша Мўминов спектаклдан олган таассуроти ва Маданият ишлари ва Ички ишлар вазирликларининг ҳамкорлиги меваси бўлган бу каби спектакларни кўпайтириш лозимлиги ҳақида гапирди.

Кеча охирида Ҳамза театри директори Ёқуб Аҳмедовга ички ишлар вазирлиги нишони ва пул мукофоти, асар муаллифи Ҳ. Муҳаммад, саҳналаштирувчи режиссёр М. Азимов, саҳналаштиручи рассом Т. Шорахимов, бастакор А. Эргашевларга вазирликнинг мукофотлари топширилди.

Бундан ташқари, спектаклда рол ижро этган бир неча актёрлар С. Жалолов, Ҳ. Комилов, Қ. Абдураҳмонов, М. Боботуллаева, М. Холиқова ва 30 дан ортиқ ходим ва хизматчилар тақдирландилар.

Муҳими шундаки, спектаклда республикамиз ички ишлар ходимларининг хизматлари жуда яхши кўрсатилган. Шунга қарамай, зийрак томошабин бир асар билан бутун ҳаётни очиб бериш мумкин эмаслигини тушунса-да, бу мавзуда янада қизиқарлироқ ва кенг қамровлироқ маълумот олгиси келади. Очиғи, шундай асарларга муҳтож. Умид қиламизки, театрларимиз саҳналарида кўплаб бу каби асарлар дунёга келади ва халқимизнинг олқишларига сазовор бўлади.

Ойбек ТИЛЛАЕВ

Ҳа биз ўзбекмиз

Азиз иним Азамат Зиё, «Миллий тикланиш» газетасида босилган икки мақолангиз — «Ўзбекчилик нима?» билан «Кунларингни унутма»ни зўр қониқиш ва мароқ билан ўқиб чиқдим. Мен файласуф ҳам, сиёсатчи ҳам эмасман. Оддий фолклоршуносман. Сиздай иқтидорли, зукко, топқир, ҳозиржавоб, фикр-мулоҳазалари тиниқ ёш олимлар ила фахрланаман. Яхши ёзилган ҳар бир мақола ёки китобни ўқиш мен учун байрам. Айниқса у ўзбегим, табаррук масканим — она юртим ҳақида ёзилган бўлса. Чунки, ўзлигини таниш, ўзини англаш, билиш дўппини бир четга қўйиб мушоҳада қиладиган муаммоларнинг муаммоси, масалаларнинг масаласи.

Ҳар иккала мақолангиз ҳам яхши, фикр-мулоҳазаларингиз тиниқ ва асосли. Бу борада «Миллий тикланиш»нинг бир изоҳига тўла қўшиламиз. «Ўзни билишдан мурод ўзни жаҳоний ишларга чоғлаш, илғор дунё билан ҳар соҳада баравар қадам ташлаш, яъни лўнда қилиб айтганда, ўзликни жаҳонга мосламоқдир. Биз кучлимиз ва шу билан бирга ўз иллатларимиз, йўлимиз, ўсишимизга тўсиқ бўлаётган айрим хусусиятларимизни яхши билиб олсак ва улардан қатъият билан қутулсаккина ҳурматимизга ҳурмат, эътиборимизга эътибор қўшилади. Шунинг учун ҳам бугун «ўзбекчилик нима?» — деган саволни ўртага қўяяпмиз. Унинг хислат эканлиги аён. Лекин бу хислат фазилатми ёки иллатми? Ёки фазилат ҳам иллат аралаш-қуралаш бўлиб кетган, англаб олиш қийин бўлган бир миллий белгими?» Севикли газетамизнинг «ўзбекчилик ҳақидаги ўз фикрларингизни бизга ёзиб юборинг. Сиз бу масалага қандай қарайсиз?» каби сўров-илтимосига баҳоли қудрат жавоб ёзишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Айни чоғда газетанинг «тарихчи олим Азамат Зиёев ўзбекчиликка ижтимоий ҳодиса каби ёндошишга уринади. Унинг айрим фикрлари жуда эътиборли. Айримлари баҳсли. Бу борада бутунлай бошқача қарашлар, фикрлар ҳам бўлиши мумкин» каби нуқтаи назарига ўз муносабатимизни билдирмоқчимиз. Даставвал шуни айтиш керакки, «ўзбек», «ўзбекчилик» тушунчалари тарихий категория бўлиб, узоқ ижтимоий-иқтисодий жараёнлар асосида юзага келган. У биз ўйлагандек содда эмас, балки жуда мураккаб, кенг, қамровли тушунча. Ўзбек ва ўзбекчиликнинг ўзига хос хусусиятлари, бошқа миллат ва халқларда кўринмаган томонларидан келиб чиққан ҳолда, айни замонда ана шу тушунчалар таг-замининда ётган умумбашарий, ҳар қандай ўзга миллат ва элатлар ўрганса, қабул қилса, ибрат олса арзигулик томонларини ҳам эсдан чиқаролмаган ҳолда иш тутамиз.

Муаллифнинг: «Демак, биз кўрган мисолларда Тўмарис, Широқ, Спитамен, Солиҳбек... ва уларнинг сафдошларининг эл ва ватан мустақиллиги йўлида қўшилган ҳолда, бундай ҳолларнинг тарихда ҳам, бизнинг кунларимизда ҳам мавжудлигини таъкидлашни истар эдик. Бир-иккита мисол келтириш билан фикримизни ойдинлаштирсак. Ўзбекчиликнинг илдизига болта уриш учун атайлаб маҳв этилган, яъни отилган «ўзбек муҳаррирларининг отаси, жадид раҳбари» Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Абдулла Қодирий, Усмон Носир ўзбек бўлганликлари, ўзбекчиликни ҳимоя қилганликлари, дунёга чиқармоқчи бўлганликлари учун ҳам отилганлар ёхуд пинҳона маҳв этилганлар. Булар ёнига минглаб миллий озодлик ҳаракати ташаббускорлари — юзлаб ўзбекнинг асл фарзандлари — зиёлиларини ҳам қўймоқ инсофдан бўларди...

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ўзбекчиликнинг асосчиси — халқ. Уни халқ ва унинг илғор зиёлилари яратган, асослаган ва ривожлантирган.

Ўзбекчилик деганда кенг маъноли, ҳар қанча фахрланса арзигулик донолик, зукколик, топқирлик, жангарилик, одамийлик, инсонийлик туйғуларини, бир бутун, яхлит миллат қиёфаси, тафаккури, дунёқараши, фалсафий, эстетик, маънавий-маданий, одоб-ахлоқ йиғиндисини тушунаман. Ана шу ўзбекчиликка мансуб эканлигимдан Аллоҳга шукроналарда яшайман.

...Таниқли элшунос, сайёҳ ва миссионер Н. П. Остроумов «Сартлар» деган китобида ўзбекчиликдаги гулга муносабат, яъни гулни севиш, эъзозлаш, қадрлаш ҳақида сўз юритиб, ўтган асрнинг охирларида шундай деб ёзган экан: «Мен фаросатсиз (?!) бўлиб кўринган мардикорнинг, камбағал аравакаш ёки мешкобнинг, ҳатто гадойнинг ҳам қулоғига гул тақиши, дўпписи тагига қистириши учун гул ахтаришини кўриб ҳайратда қолдим».

...Яқинда матбуотда ўқиб қолдим. Бир хорижий олим: «Ўзбек қизининг пиёлада чой узатаётгандаги одоб-ахлоқи, назокати ва ўзини тутишига дунёдаги барча одат, удум ва одобни алмаштирган бўлардим», деб ёзади.

...Дадам раҳматли катта қори, Қуръони каримнинг ўттиз икки порасини ёд билар ва уларни тафсир қила олар эдилар. Айни чоғда кўрмаган китоблари, ўқимаган рисолалари қолмаган эди, десам муболаға қилмаган бўламан. Кунлардан бир куни ҳовлида қўшимча биттагина хона солмоқчи бўлдик. Кўп қийинчиликлар билан иккиучта устунлик ва бир харилик материал топиб келдим. Ишдан эртароқ уй қурувчи устани етаклаб қайтаётсам, дадам куйиб-пишиб (иссиқ, июль ойи эди чоғи) мен олиб келган ҳалиги харини зўрға судраб кетаётибдилар. Ўшанда дада, ҳорманг, қаёққа? — деб сўрадим. Дадам:

— Жамоатчилик жой — гузарга керак бўлиб қолибди. Биз уй қурмасак, бори бўлиб турар... Ўлмаган қул келаси йилли қурар-

АКС САДО

миз. Кўпчиликка керак бўлибдими — бериш керак. Савоб бўлади...

Ҳа, савоб кетидан қувиш бу — ўзбекчилик эмасми?

...Аспирантурада ўқир эдим. Маошимдан озми-кўпми тишим ковагида сақлаб, қишлоққа қайтишимда онаизоримга бир кийимлик мато сотиб олдим. Онам кўриб бирам суюниб кетдиларки... Бамисоли ойни узиб қўлларига тутгандай эдим... Тез орада қўйлак тиктирдилар. Эгниларига олгач худди ўн беш йигирма ёшга яшаргандай бўлдилар. Дадам, акам, опам, укам ва сингилларимни севинганларини айтмайсизми. Шу пайт маҳалладошимиз Тожихон ая келиб қолдилар ва онам устиларидаги янги тикилган кўйлакни мақтай кетдилар. Аям «раҳмат, вой раҳмат, болагинам олиб келибди», деганларича уй ичига кириб кетдилар. Бир пайт янги кийган кўйлакни кўлларида кўтариб чиқиб, меҳмонга қараб:

— Синглим, шуни олинг, сиз кийинг, буюрсин, йиртиб-йиртиб кийинг, — деб кўйлакни «йўқ, вой, буниси нимаси, ўзингизга буюрсин» деганига кўймай унга ҳадя этиб юбордилар.

Тожихон ая шодлигидан кўзида ёш, қўлида кўйлак билан уйимиздан чиқиб кетди.

— Бу нима қилганингиз, ойи. Ахир, мен сизга олиб келган эдим-ку? — дедим чидаёлмай.

Шунда онам:

— Вой болам-ей, меники бор, бўлиб туради. Тожихон аянгни оҳорлиги йўқ. Уни кийганни — мени кийганим. Ахир сингил тутунганман-а, қиёматлик... — дедилар, шодликларини зарача йўқотмаган ҳолда.

Нима, бу — ўзбекчилик эмасми?

Масаланинг мураккаб ва қийин, етти ўлчаб бир кесадиган томони шундаки, биз ҳалқимиздан орқада қолмаслигимиз, иқтисодда ҳам, маданиятда ҳам, маънавиятда ҳам, бир сўз билан айтганда, ўзбекона ахлоқ-одобга амал қилишимиз, ундан ҳар сония ва ҳар дақиқада ибрат олишимиз лозим. Ҳалқимиз зукколик, донолик ва ҳушёрлик ила мустақилликни қабул қилиб, истиқлол сари ишонч-эътиқод билан шаҳдам қадам ташлаб бораётган экан, биз зиёлилар ҳам ўзбекчилигимиз билан ҳақли равишда фахрланайлик, унга соя ташлашга йўл қўймайлик. Чунки ўзбекчилик, кўрганингиздек, — одамийликдир. Бир томондан, халқимизнинг тарихий, маданий, табиий-иқтисодий бойликларимизга, демак, ўзбекчилик куч-қудратига етарлича баҳо бера олайлик, айни чоғда уларни дунёга кўз-кўз қилайлик, токи дунё ҳам биздан ўргансин, ибрат олсин.

Ҳа, муҳтарам муаллифимиз ҳаққоний таъкидлаганларидек, ўзбекчилик — инсонийлик, ўзбекчилик — халқчиллик, ўзбекчилик — мусулмончилик.

Азизим Азаматжон, фаҳм-фаросат ва зукколик билан ёзилган биринчи мақолангиз ҳақидаги қисқача фикр-мулоҳазаларим шулардан иборат.

Охири яна бир нарсани эслатиб ўтмасам бўлмас, у ҳам бўлса ўзбек ва ўзбекчиликни чуқурроқ англаш, маъно ва моҳиятини чақиш, ўзига хос қирраларини теранроқ билиб олиш учун унинг асрлар давомида яратган ва оғиздан-оғизга ўтказиб бизгача кўз қорачиғидек асраб келган оғзаки ижод асарлари — анъанавий достонлар, эртаклар, қўшиклар, айниқса мақолларга кўпроқ эътибор бериш — улардан ўрганмоқ ва ҳаётга тадбиқ этишлик лозим, деб биламан.

Мақоллар узоқ асрлар давомида халқнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тажрибалари, ҳаётий кузатишлари асосида юзага келади.

Мақолларда кўчма маънолар, образлар, мажозий ҳолатлар кучли ва актив бўлади. Буни эсдан чиқармаслик керак. Шундай мақоллар борки, бошдан-оёқ мажозийлик асосига қурилади. Улар ўзига хосликларини англамай, идрок этмай туриб, маъно-мантиқи, моҳияти ва ғоялари тагига етиш қийин. Бунинг устига мақолларнинг кўпчилиги халқимизнинг қадимий эътиқодий тушунчалари, асрлар давомида ижтимоий-маънавий тажрибасида минг марталаб тасдиқланиб келган ибратли фикрлари, одобномаларидир. Шу боисдан ҳам, «Олим бўлсанг — алам сеники», «Ўнг юзингга урганга — чап юзингни тут», «Онангни — олганга бер», «Кулдан тепа бўлмас, куёвдан ўғил», «Отанг боласи бўлма — одам боласи бўл», «Диндан чиқсанг чиққин — элдан чиқма», «Балиқ бошидан сасир», «Бахшили овул — ботир, мулоли овул — кўрқоқ» каби ўнлаб, ҳатто юзлаб мақолларни қоралаб ёки замонасозлик нуқтаи назаридан туриб баҳолаб бўлмайди...

Машхур халқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғлининг бир тўртлигида («Кунтуғмиш» достони):

Яхши етсин муродга,
Ёмон қолсин уятга.
Ёмон фақир не қипти
У ҳам етсин муродга, —

дейилади. Бордию бу тўртликнинг кўчма, мажозий маъносини англамасдан туриб, уни қораласак, халққа, унинг ижодига хиёнат қилган бўламиз-ку? Ваҳоланки, юқоридаги тўртликда ўзбекка хос фалсафа, умуман Шарқ халқлари характери ва ижтимоий-фалсафий қарашлари, одоб-ахлоқи сингдирилган. Бошқача айтганда, ана шу оддий ва содда мисраларда ўзбекчилигимиз акс этган дейиш мумкин.

«Кунларингни унутма» мақоласи ҳам аввалги «Ўзбекчилик нима?» мақоласи каби, — такрор айтамиз — қуюнчаклик билан ёзилган. Энг асосийси, бу мақола ҳам фикр уйғотади, хушёрликка тортади. Халқ хотирасида эъзозланган, аммо биз ўз ташвишларимиз билан бўлиб унутган ёки унутаётган тарихий воқеа-ҳодисалар, озодлигимиз ва мустақиллигимиз учун курашган ота-боболаримиз хотирасини ёдлаш орқали улар руҳини шод этишдек табаррук ишларни бошлашимизга даъват этиши билан ҳам қимматлидир.

«Миллий тикланиш» газетаси илк қадамларидан бошлабоқ тарихимиз, қадриятларимиз, ўзлигимиз, ўзбекчилигимизнинг долзарб муаммоларига бағишланган, ўқувчида қизиқиш ва фикр уйғотадиган, хайрихоҳлик туғдирадиган салмоқдор ва мазмунли мақолаларга катта ўрин ажратиб хайрли, керакли ишга қўл урди. Бу — яхшилик аломати, ўз ўқувчисини топиб, қалбига йўл очиш, уларнинг абадий суюкли, ардоқли ва табаррук газеталари — маслаҳатгўй йўлдошларига айланиб қолишидан нишонадир.

Малик МУРОДОВ,
профессор

Сарқарда ҳақида ҳикоятлар

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

Ёзувчи Мухтор Худойқулов «Ривоятлар ва ҳикоятлар» номли китоб ёзди. Унда қадимий манбалар, тарихий асарлардан олинган фактлар ривоятлар, нақллар асосида янгича қараш, холис мушоҳада йўли билан яратилган қисқа аммо чуқур мазмунли, кишини ўзига тортадиган ҳикоялар ўрин олган. Адиб сохибқирон бобомиз Амир Темурга бағишланган ўз ҳикояларида буюк саркарда, жаҳонгир фотиҳнинг ҳаёти, буюк давлат барпо этиш учун жангу жадалларда кечган фаолияти, инсоний фазилатлари ҳақида сўз боради. Қуйида ана шу ҳикоялардан айримларини газетхонлар ҳукмига ҳавола этамиз.

БЎЗ БОЛА

Ёш Темур кунлардан бир куни Шайх Шамсуддиннинг таърифини эшитиб, унинг зиёратига келади. Шайхнинг кулбаси олдида эгардан тушиб, отини шу ердаги дарахтлардан бирига боғламоқчи бўлганда, хужра дарчасидан бу вужудидан ўт чақнаб турган ўғлонни кўрган Шайх Шамсуддин унга қарата: «Эй йигит, отингни у дарахтга эмас, нариги-сига боғла!» — деб овоз чиқаради. Темур нариги дарахтга ўтиб, энди болғамоқчи бўлганда, Шайх: «Унга эмас, нариги-сига!» — дейди. Темур нариги дарахтга ўтади. Шайх эса яна: «унисига эмас, ундан кейинги-сига!» — деб буйруқ беради. Темур ноилож яна бир дарахтга ўтади. Шайх эса яна: «Нариги-сига!» — дейди. Темурга қариянинг унинг шаштини қайтариб, қайта-қайта буюравериши малол келади ва жаҳли чиқиб охирги — бешинчи дарахтга отини боғлайди. Шунда Шайх: «Эҳ, бўз бола-я бироз шошмасдан отингни еттинчи дарахтга боғлаганингда етти иклимни эгаллар эдинг бештаси билан чегараланасан-да», — деган эканлар.

Мен бу ҳикоятни раҳматли дадамлар — Мўхтор Худойқул аъламдан ёшлигимда эшитган эдим, у кишининг бу воқеани қайси манбадан олганликларини сўраб қолмаган эканман, ҳануз излайман...

ЁҒИЙ ҚОЧДИ

Вақтики Амир Темур Дашти Қипчоққа, Тўхтамишхонга қарши қўшин тортди ва улар ўртасида қаттиқ жанг бўлди. Араб муаррихи Ибн Арабшоҳ тавсифи билан айтганда, «Икки аскар ўртасида уруш бозори қизиди. Ушбу бозорда улар ўртасида жанг олди-сотдилари авж олди». Бу жангда Тўхтамишнинг қўли баланд келди ва яна ўша муаррихнинг ёзишича «Темур аскарлари ун бўлиб янчилмагунча мухораба тегирмон тошлари айланаверди». Темур аскарлари пароканда бўлиб, ҳар тарафга қоча бошлади. Амир Темурнинг энг яқин пирларидан бўлмиш Саййид Барака ҳам у билан бирга эди. Аҳволи нихоятда танг қолган Темур унга хитоб қилиб: «Эй, афандим Саййид! Менинг қўшиним енгилди!» — деди. «Кўрқма», — деди Саййид Барака амирга. Кейин отидан тушиб ердан бир сиқим тупроқ олиб, ўзининг бўз отига яна қайтиб минди ва ўша тупроқни бостириб келаётган душманлар юзига сепиб, «ёғий қочди!» — деб бақира бошлади. Темур ҳам ёрдам қўлини чўзган шайхнинг кетидан шундай деб бақираверди. Шунда Темур аскарлари бу товушни эшитиб, барчаси бараварига шу сўзни бақира бошладилар. «Темур қўшинидаги барча зайфу қучли жангчидан «ёғий қочди!» деган иборани такрорлаб бақирмагани қолмади, — деб ёзади тарихчи. Кейинги аскарлар бир-бирларни шиддатли қувваталб душман устига ҳамла қилди. Тўхтамиш қўшини мағлубиятга учради.

Сохибқирон Темур кейинчалик бу мададкор пири ҳақида «барча топган барокатларим фақат Саййид Барака ёрдамида бўлган», — деб ёзган эди.

БИР ОҒИЗ ЎЗБЕКОНА ЛУТФ

Испания қироли Генрих IIIнинг элчиси Руи Ганзалес де Клавихонинг Самарқандга келгани ва унинг буюк сохибқирон томонидан қабул қилингани кўпчилик китобхонларга маълум, илло элчиларнинг бу тўғридаги хотиралари ўзбек тилида босилиб чиққандир. Аммо ана шу ташриф пайтида буюк ҳукмдор айтган бир оғизгина ўзбекона лутф мени ушбу ҳикоятни ёзишга ундади.

Амир Темур Испания қиролига шунчалик кўп қимматбаҳо нарсаларни совға қилиб юборган эдики, уларни жўнатиш учун йигирмата ҳачир керак бўлган эди. Бунга жавобан қирол ҳам элчи Клавихо орқали жуда кўп совға-саломлар юборди. Совғалар шу қадар кўп эдики, олтита филга юк бўлди. Элчиннг қабул пайтидаги махсус саломидан сўнг у келтирган совға-саломларни Темурбек қаршисига териб қўйишди. Аммо ҳукмдор гапни совғалар эмас, қиролнинг соғлигини сўраштан бошлади. . Элчи ҳам ўз жавобида қиролнинг сиҳат-саломатлигини, улуғ Амирга ҳам сиҳат-саломатлик тилаганлигини айтди ҳамда ўз қиролининг мактубини амирнинг қўлига топширди. Сохибқирон мактубни олар экан:

— Нома қайси тилда битилган? — деб сўради.

— Испан тилида, — жавоб берди элчи.

— Бу ерда сен ва ҳамроҳларингдан бошқа испан тилини биладиган одам топилмайди-ку! Бўпти, мактубни зиёфатдан кейин ўқиймиз. — дейди Амир Темур.

Бу пайтда сарой ходимлари Испания қиролининг териб қўйилган совғаларини олиб кетиш учун йиғиштираётган эдилар. Амир Темур элчига қараб:

— Сен ҳатто совға-саломсиз келиб, менга Кастилия қиролининг саломатлик муждасини етказганигда ҳам хушвақт бўлардим, — дейди.

Буюк ҳукмдорнинг бошқа мамлакат подшоси юорган ва кўрганда кўзни қамаштирадиган зарру жавоҳирлар, олтину кумушдан ясалган асбоб-анжомлар, матолар, неча-неча турфа моллардан иборат бой совға-саломларга бўлган шоҳона муносабати мана шу бир оғиз ўзбекона лутфда ўз ифодасини топган эди. Биз бу донолик, бу комиллик олдида яна бир бош эгарканмиз, ушбу ҳақда бизга ривоят қолдириб кетган Султония епископи Иоанн Гринло хотирасини ҳурмат билан эслаб, ушбу матнни ўзбек тилига ўгирган ҳурматли Жалил Ҳазрат қулзодага миннатдорчилик билан ҳикоямизни тугаллаймиз.

МИСР СУЛТОНИ, ПЎПИСА ВА БАЙСАҚ

Ривоят қиладиларки, Миср султони Дамашқни ташлаб қочиб кетаётиб Амир Темурга бир мактуб юборади. «Бизларни ўзингдан қўрқиб қочди деб ҳисоблама», — деган сўзлар билан бошланувчи бу мактубдан «азбаройи худо биз албатта ғазабли шер ҳужуми каби сенга ҳам ҳужум қилиб, нафрат булоғидан ўз ташна найзаларимизни ўзинг ва аскаринг қони билан қондириб суғорамиз. Сизларни ўт ўрғандек ўрамиз ва пичанни янчиб поймол қилгандек поймол қиламиз» каби қуруқ пўписалар ўрин олган эди. Ушбу мактубни олиб келган султоннинг элчиси уни Амир Темурга топширади ва мактуб ўқилгач, амир элчидан:

— Тўғрисини айт, исминг нима? — деб сўрайди.

— Байсақ, — деб жавоб қилади элчи.

— Бу хунук сўз қандай маънони англатади? — сўрайди Амир.

— Э, мавлоно! Мен буни билмайман, — деб жавоб қилади элчи.

— Сен ҳали ўз исминг маъносини билмайсан-у, э, ярамас, қандай қилиб мактуб келтиришга ярайсан? — дейди Амир ғазаб билан.

Ўз жонидан аллақачон умидини узиб қўйган элчи индамай тураверади.

— Агар подшоҳларнинг элчиларга озор етказмаслик одатлари бўлмаса эди, — Амир ғазабини босиб, — сенга муносиб жазо берган бўлур эдим. Аммо сенда гуноҳ йўқ, балки гуноҳ сенга бу ишни топширган киши устидадир. Аммо унинг ҳам айби йўқ, — деди Амир, — чунки унинг илмининг бориб етган нуқтаси ва ақл-фаҳмининг чегараси ана шу.

— Сени юборган кимса у билан яхши муомала қилишимга арзимайди ва менинг унга мактуб юборишимга лойиқ эмас, — деди Амир сўҳбат охирида элчига. — аммо сен бориб унга айтгинки, мен сенинг изингдан ўз шеърим билан етиб бораман. У қочиш учун этагини кўтараверсин...».

Миср султони сохибқирон олдида кейинроқ тавба-тазарру қилди, аммо вақт ўтган эди...

ЧОДИР ЭШИГИДА

Ибн Арабшоҳнинг нақл қилишича, Амир Темурга яқин кишилар орасида Маҳмуд ал-Хоразмий деган ҳофиз ҳам бўлиб, унинг айтган ашуласи, овозининг жаранги қалбларни алангалатиб, жонларни куйдиргани боисидан ал-Муҳриқ, яъни куйдирувчи деган лақаб олган эди. Сохибқирон ўзининг фатҳ сафарларидан бирида ҳофизни ҳам ўзи билан ола кетган, у кечаю кундуз жаҳонгирнинг хизматида эди. Темур қўшини бир қўрғон яқинига тушиб, уни камал қилишга киришганди. Амир Темур жангни кўриб туриб, унга шахсан раҳбарлик қилиш учун ўз чодирини баланд бир жойга ўрнатган эди. Бир вақт чодирда Амир Темурнинг ёнида ҳофиз ва аъёнлардан икки киши қолади. Шу аснода сохибқиронда иситма пайдо бўлиб, аҳволи заифлашади. Аммо у қалъага ҳужум қилаётган аскарлари аҳволидан шахсан ўзи хабардор бўлмоқ учун: «Мени чодир эшиги олдига олиб келинглар», — деди ва жангни кузата бошлади. Шунда у ўз қўлтиғидан суяб турганлардан бирига жангни қандай олиб бориш хусусида амр-фармон бериб, қалъа томонга юради. Унинг ўрнига ҳофиз Маҳмуд сохибқироннинг қўлтиғидан тутиб туради. Сўнг яна жангни кузатиб турган Амир иккинчи аъёнга ҳам қўшимча буйруқлар бериб жанг бўлаётган жойга юборади. Ҳофиз уни охиста ёткизмоқчи бўлганда жаҳонгир гурс этиб йиқилиб тушди. Чодирда амир ёнида ҳофиздан бошқа ҳеч ким қолмаган эди. Шунда жаҳонгир унга: «Э, мавлоно Маҳмуд! Жисмимнинг заифлигига қара: ушлай десам қўл, чопай десам оёқ йўқ менда. Агар одамлар мени ташлаб кетсалар мен ҳалоқ бўламан... ўз танамни бошқариб не зарарли, на фойдали иш қила оламан, на яхшилик қила оламану на ёмонликни дафъ этаман, — деб зорланди. Сўнг бироз фикрга толиб: «Қандай қилиб тангри-таоло бандаларни менга муяссар кўрди? Оламни дахшатимга тўлғазиб, ҳайбатимни мағрибу машриқа овоза қилди? Подшоҳлару паҳлавонларни менга бўйсундириб, олдимда кисраву қайсарларни хор қилди? Бу ҳаракатлар тангри-таолонинг ҳаракатлари бўлиб, бу ишлар барчаси унинг ишлари эмасми? Мен қимман? Мен бир касалманд, мўҳтож кишиман, холос. Бу ишларнинг уддасидан чиқиш учун менда на соғлигу на тоқат бор? — деди ва кейин йиғлаб юборди. Ҳофиз Маҳмуд ҳам унга қўшилишиб йиғлади.

Бу ҳикоятни Маҳмуд Ҳофиз ал-Хоразмий Ибн Арабшоҳга шахсан айтиб берган ва у орқали бизгача етиб келган.

«Санои нафис» гуруҳи. Амир Темурга бағишланган деворий сурат.

ТЎРТ ҚЎЛИ ГУЛ МИНИАТЮРАЧИ

Ўзбекистон — қадим афсоналар, достонлар, гўзал меъморчилик ёдгорликлари ва нафис халқ санъатига бой ўлка. Бутун жаҳонга машҳур Гўри Амир Мақбараси, Оқ Сарой, Шоҳи Зинда ва бошқа меъморчилик дурдоналари нафақат бизнинг халқимиз, балки бутун дунё халқларининг маданий меросидир. Шарқда азалдан кенг тарқалган кандакорлик, ганчкорлик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги ва бошқа халқ амалий санъати турлари қадим замонлардан бизнинг кунларимизгача етиб келган. Қадимда Ўзбекистонда тош қоғозда ижро этиладиган локли митти суврат санъати ривожланган эди. Марказий Осиёда равнақ топган санъатнинг бу тури бугунги кунда қайта тикланди. Бутун дунёга машҳур мусаввирлар К. Беҳзод, М. Музаффиб, Мирак Наққошлар ўзларининг нафис, нозик санъати билан инсонлар қалбини ҳамон тўлқинлантириб келмоқда.

Бу борада, 1980 йилда рассомлар уюшмаси қошидаги «Усто» халқ амалий санъати бирлашмасида Шарқ миниатюра устахонаси очилган. Мазкур устахонани Ўзбекистон ҳукумати унутилиб кетган санъатни қайта тиклаш мақсадида ташкил этди. Устахонада ёш рассомлар таниқли рассом Ч. Аҳмаров раҳбарлигида иш бошлашди. 80-йилларнинг бошида ёш мутахассислар Россиянинг Палех қишлоғига тажриба ўрганиш учун йўл олдилар. Ёш санъаткорларга локли ранг тасвир сирларидан палехлик машҳур рассом Н. Голиков сабоқ берган.

Қисқа муддат ичида ёш рассомлар санъати халққа танилди ва қатор республика ва халқаро кўргазмаларда намойиш этилди.

1986 йилда рассомлар: Тоир Болтабоев, Ғайрат Камолов, Хуршид Назиров ва

Мусаввирлар: чапдан С.Қорабоев, Х.Назиров, Н.Голиков, Т.Болтабоев.

Мусаввир ва тасаввур

Содиқ Қорабоевлар бирлашиб «Санои нафис» ижодий гуруҳини тузишди. Ижодкорлар миниатюра анъаналарини монументал санъатга киритишга ҳаракат қилишди ва қатор монументал асарлар яратишди. Шу жумладан, Олмалиқ дам олиш зонасидаги деворий сурат, Урганч шаҳридаги «Бахт уйи», Янги Ангрен ГРЭСида «Улуғбек мактаби» деб номланган деворий сурат ва қатор бошқа объектлардир.

Рассомлар турли халқаро кўргазмаларда: Полша, Малайзия, Покистондаги ислом мамлакатлари фестивалида, Туркияда Ўзбекистон кунларида қатнашишди.

1995 йил 24-26 октябрда Тошкентда БМТ ҳамкорлигида Ўзбекистон халқ амалий санъат усталари ярмаркаси ўтказилди. «Санои нафис» гуруҳи шу кўргазмада қатнашиб, БМТнинг махсус сертификатини олишга ва халқаро миқёсда танилишга муяссар бўлди. Ёш рассомлар учун бу катта ижодий ютуқдир.

«Санои нафис» ижодий гуруҳининг режалари кенг, келажаги порлоқдир. Улар келгусида Амир Темур ва темурийларга бағишланган катта монументал асарлар туркумини яратиш ниятидадирлар. Оқ йўл сенга, «Санои нафис»!

Осимхон ВОСИХОНОВ

Қаҳратонда ўсган райҳон

НАФИС МАЖЛИСЛАР

КОНЯК

1961—1963 йиллар эди. Камина Москвада, Максим Горкий номидаги жаҳон адабиёт дорилфунуни ҳузуридаги Олий курсда таълим оларди. Москвага йилда икки-уч марта сафар қиладиган Мирзакалон Исмоилий биз каби ёшларга ғамхўр ва меҳрибон устозлардан эди. «Ўша ерда — мусофир юртда бир тўда йигит-қизларимиз таҳсил оляптику» деган мулоҳаза билан новдадан тўқилган дастали саватда, албатта, бирон совға олиб борарди. Баҳорда қулупнайми, гилосми, ёзда, кузда олмами, анорми, ишқилиб, бирон туҳфасиз бормасди. Борган куни «Эртага бир палов дамлайсиз-да» деб, харажат чиқимини берарди. Харажатни аксар ҳолларда Муҳаммаджон Аҳмедов қиларди. Ошни (ётоқхона фарроши) Тоня холанинг катта кастрюлида камина дамларди. Албатта, бир чамбарак пишган қази ҳам солинарди. Кўп марта кузатдим, Мирзакалон аканинг чамадонида қази канда бўлмасди. У кишининг бир одати бор эди: ош пишгач, дамланаётганда, қозон теппасига келиб, «ярим стакан сув қуйиб юборинг», дерди. Бу илтимос бажо келтирилгач, қўшиб қўярди: «Мана бу энди зиёлилар ейдиган палов бўлади...»

Мирзакалон Исмоилий ҳамиша Москва яқинидаги Переделкино ижодий уйида истиқомат қиларди. Икки-уч ойга борарди у ерга, каттароқ ижодий режа билан, албатта.

Бир сафар борганларида Москвада қиш бошланган эди. Бирон ой ўтгач, шанба куни Добролюбов кўчасидаги ётоқхонамизга келдилар. «Эртага Переделкинога чиқиб боринглар, ўша ерда ош қиламиз» дедилар-да, одатдагидай, масаллиқ чиқимини ташлаб кетдилар. Азиз Абдураззоқ, Сайёр Пўлат, Муҳаммад Али, Роза Фатҳуллина, Фарида Шайхуддинова, Комрон Ҳакимов (у ҳозир Америкада, Лос-Анжелес шаҳрида яшайди, Беркли дорилфунунида ўзбек тилидан дарс беради) ва камина масаллиқларни кўтариб, эрталаб соат ўн яримларда Переделкинога етиб бордик. Мен ошхонага кириб ишни бошлаб юбордим. Менга оқ халат билан оқ қалпоқ кийғазишди. Ошпазга ўхшадим қолдим. Газ канфираклари катта, кострюлкалари қалин экан. Мирзакалон ака мендан хабар олгани кириб: «Ишлар қалай?» — деб сўрадилар.

— Анжомлари зўр экан, ошни боплайман, — дедим. У киши мамнун чиқиб кетдилар.

Менинг сабзи-пиёз тўғраштан тортиб, ёғни обдон қиздириб доғ қилдиришгача бўлган барча тадорикни бош ошпаз бошлиқ ҳаммаси кузатди. Қоратикон туз бор экан, тутуни бурқиб турган қозонга бир-икки марта ташладим, чарс-чурс отилди ҳам. Ёғни қиёмига етказиб роса доғ қилдим. Қозонда бир тилим аланга ялт этиши биланоқ, қўлимда тайёрлаб турган суякни ташладим.

— Ёғингиз қуйди-ку?! — деди бош ошпаз.

— Куйгани йўқ, атайлаб шундай қилдим, ош ширин бўлади.

Дарҳақиқат, антиқа палов пишди. Каттароқ ликопчада ошхона ходимларини сийладим. Улар палов таърифини кўкка кўтаришди. Хушбўй ҳид эшик тирқишидан хўрандалар ўтирган залга ҳам кириб борган экан шекилли, улар «Бугун палов ер эканмиз-да!» — деб умидвор бўлишади. Қарашсаки, паловдан дарак йўқ. Суриштиришади.

— Бугун Мирзакалон Исмоилийнинг туғилган куни. Ҳамюртлари келувди, ўзларига ош дамлашди, — дейди ижодий уйнинг директори.

Бу гап зумда қанот ёяди. Топган гул, топмаган бир боғ пиёз деганларидай, қаламкаш ҳамкасблар топганини — ким оқ шиша, ким қизил шиша кўтариб Мирзакалон Исмоилий хонасига табриклагани келишади.

Буни қарангки, ош дамлаш учун айтилган баҳона чинга айланиб, тонготар Мирзакалон Исмоилийнинг «туғилган куни» нишонланади.

— Мана бу арман коняги, ўша оқшомдан қолгани. Атайлаб сизга асраб қўювдим, — деди Мирзакалон ака ҳушнуд уч юлдузли шишани менга бераркан.

РАЙҲОН

Мирзакалон ака бир сафар Москвага борганларида, ўша бизга таниш қадрдон саватда ҳар хил егулик совғалар қаторида бир бойлам жамбил ҳам олиб бордилар. Жамбил ичида бир туп райҳон ҳам бор экан. Райҳонни стаканга солиб дераза рафига қўйдим. Мирзакалон ака эртаси куни бизни палов билан сийлаб, ўзлари Переделкинога жўнаб кетдилар. Райҳон қорамтир тусда эди. Унга табиат мўъжизаси сифатида узоқ термулиб ўтириб раҳмим келди. Шартта кийиндим-да, Краснопресня майдонидаги дўконга бориб гултувак олиб келдим. Бизда аллақачон ёз бошланган бўлса-да, Москвада ҳали қишнинг асорати сақланарди. Қаердандир белкурак топдим. Гултувакни музлаган тупроқ билан тўлдириб еттинчи қаватдаги хонамга олиб чиқиб, газета устига ёйдим. Музи эригач, тупроқни яна гултувакка солиб, райҳонни экиб қўйдим. Райҳон иссиқ хонамда гуркираб, яшнаб ўсаверди. Шохлари тарвақайлаб анчагина катта бўлиб ҳам қолди.

Бир айём хонамга тўсатдан Азиз Абдураззоқ кириб келди.

— Юринг, мошхўрда тайёр!..



— А...? — дедим бироз ажаблангандай, чунки, Москвада мошхўрда одатий таомлардан эмас-да.

— Ҳа, мошхўрда ичамиз. Тошкентдан келинингиз мош олиб келибди, ўзим пиширдим.

Олтинчи қаватдаги Азизнинг хонасига тушдим. Рихсихон билан омон-эсонлашиб, диёримиз янгиликларидан сўрадим... Азиз эса, мошхўрдани сузишга чоғланган эди.

— Тўхта, сузмайтур! — дедим. — Мен ҳозир келаман.

Хонамга чиқиб, райҳоннинг уч-тўрт шохини кесиб олиб тушдим. Райҳоннинг хушбўй ҳиди таомни лаззатли этганди. Маза қилиб мошхўрдани ичдик. Жамбилга қўшиб райҳон олиб келган Мирзакалон ака ҳақига дуо қилдик. Шу оқшом суҳбатимиз мошхўрдадан бошланиб мошхўрда билан якунланди. Афтидан, тошкентликларни мошавахўр деб бежизмас айтишмаган шекилли.

АНТИҚА УЧРАШУВЛАР

Пахта терими айни авжга чиққан долзарб кунларда тўрт адиб: Мирзакалон Исмоилий, Насрулла Охундий, Назармат ва каминаи камтарин Сурхон водийсига сафарга жўнадик.

Жумҳуриятимизда ўша кезлари «Фарғона тонг отгунча» романи катта шуҳрат қозонган ва унинг муаллифи Мирзакалон аканинг ҳам мавқеи баланд эди.

Термизда бизга вилоят ёзувчилар уюшмасининг котиби хассос шоир Теша Сайдали қўшилди. Вилоят фирқа қўмитасининг ГАЗ-69 машинаси бизга биркитилган эди. Ҳайдовчи ҳам ҳийла қувноқ йигит экан. Ўн кун бадалида ўнта ноҳияни айландик. Насрулла Охундий камтарин ва кенг феъл, сафарбоп улфат, қисқаси одамохун эдики, бизларни зериктирмади. Машинага ўтирдик дегунча, тожикларнинг машхур «Зулфизар» қўшиғини бошлайди. Мирзакалон ака, Назармат ака, Тешавой жўр бўлишади. Тўдада тил билмас нўнаги ўзим эканман. Улар сўзларни икки-уч такрорлагач, мен ҳам қўшилардим. Ҳаммамизнинг қайфиятимиз чоғ эди. Ҳайдовчи ёнида ўтирган Мирзакалон ака икки қўлини кўтариб ўйнаб борар, қолганлар қарсак чалиб «Зулфизар»ни айтардик. Кундузлари дала шийпонларида, оқшомлари колхоз-совхоз клубларида антиқа учрашувлар бўларди. Талабалар асосан Мирзакалон акани қуршаб олишар ва «Фарғона тонг отгунча» романи юзасидан турли саволлар беришарди. Ўз навбатида адиб ҳам иштиёқ билан жавоб қайтарарди. Юзларида табассум барқ урган, кўзлари чақнаган бу ўспирин йигит ва қизларни кўриб Мирзакалон ака яйраб кетарди. Ёшларни дил-дилидан севиб ардоқларди, ҳар бирига порлоқ истиқбол тиларди. Насрулла Охундий, Назармат, Теша Сайдали ва камина шеърлар ўқиб берардик. Дарҳақиқат, ҳар бир учрашувдан кейин Мирзакалон Исмоилий беҳад қувонарди. Машина жойидан жилиши биланоқ яна «Зулфизар» ашуласи янграй кетарди. Бу галгисини Мирзакалон аканинг ўзи бошлаб берганди...

МАҲБУСЛАР ҲУЗУРИДА

Мирзакалон ака ёз айёмларидан бирида Наби Юсуфий, Азиз Абдураззоқ, Турсун Иброҳимов ва каминани қамоқхонага бошлаб борди. Ҳа, ажабланманг, қамоқхонага. Йўлда қаёққа бораётганимизни айтишмади. Бизлар ҳам сўрамабмиз. Ваҳима билан очилиб-бекиладиган темир дарбозадан ўтиб, ичкарига, каттагина саҳнли ҳовлига кириб бордик. Юк автомашинасининг кузовида минбар ташкил қилинган экан, ўша ерга чиқдик. Ҳар хил муҳлатларга кесилган маҳбусларни кўриб, шахсан мен (назаримда бошқалар ҳам) нима дейишга ҳайрон эдим. Мушкулимизни Мирзакалон аканинг ўзи осон қилди. Ҳовлини гир айлантириб ўрнатилган катта рамалардаги расмлар «Фарғона тонг отгунча» романидаги образ — шахслар ҳамда воқеа ва манзараларнинг тасвирий ифодаси экан. Расмлар шу қадар зўр маҳорат билан ишланган эдики, қойил қолиб «Офарин!» демасдан иложингиз йўқ эди. Афсуслар бўлсинки, маҳбус мусаввирнинг исм-шарифи хотирадан кўтарилибди. Мирзакалон аканинг маҳбусларга қарата айтган эҳтиёткорона маъруза — мулоқоти тугагач, Наби Юсуфий гапирди. Шоирлар битта ёки иккитадан шеърлар ўқидилар. Мен мулоҳаза қилақила таваккал яхшилик тўғрисидаги шеъримни ўқидим.

...Теранликнинг
тимсоли уммондадир,
Гўзалликнинг тимсоли
инсондадир.
Инсон эмас,
инсон инсон бўлмаса,
Гўзалликда қалби
бўстон бўлмаса!

Афтидан, аксар маҳбуслар хаёл оғушига шўнғидилар, уларнинг бошлари қуйи солинган эди.

Мирзакалон ака маҳбусларнинг кўнглини кўтарадиган илиқ сўзлар айтди. Ҳаётда адашмаслик учун илк қадам қўйишдан олдин андак ўйлаб кўриш, ақл тарозисини ишга солиш каби ўгит ва насиҳатлар билан нутқини тугатди. Анжуман ижобий таассурот қолдирди. Уларнинг кўзларида шодлик, кайфиятларида кўтаринкилик аломатлари яққол кўзга ташланарди. Аммо, айрим маҳбусларнинг кўнглидан нима кечаётганини англаш қийин эди.

— Учрашувда айтилган қимматли фикр ва мулоҳазалар бизга хўп асқотади. Раҳмат сизларга, — деди йиғин охирлаганда зобит. — Ташаббусингиз учун, сиздан, Мирзакалон Исмоилович ниҳоятда миннатдормиз. Фурсат топиб, яна келинглар, бош устига...

* * *

Муҳтарам устоз, азиз инсон Мирзакалон Исмоилий ҳозир бизга насиб этган истиқлол ва истиқболни ич-ичидан орзу қиларди. У киши ўта юксак табъ ва забардаст адиб эди... Руҳ-поклари ҳамиша шод бўлгай.

Мавлон ИКРОМ

ИЙМОН ҲАЛОВАТИ

ҒАЗЗОЛИЙ

УЙҒОҚ КИМ?

Моҳи рамазон ўқишлари

* * *

Аллоҳ буюрди:

— Золим кимсалар яқинда қандай оқибатга қараб кетаётганларини билиб қолурлар.

* * *

Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг саломи унга бўлсин — буюрди:

— Қиёмат куни зулм қоронғиликлардир.

— Ким зулм билан бир қариш тупроқни тортиб олса, Аллоҳ қиёмат куни етмиш арса (бир арса — бир иморатлик ер) ерни унинг бўйнига ўтқазади.

* * *

Баъзи китобларда ёзилишча, Аллоҳ буюради:

— Мендан бошқа ёрдамчиси бўлмаган кимсага зулм қилган киши аёвсиз ғазабимга гирифтор бўлғувсидир.

Шоир нақадар яхши айтган:

Кучлиман деб зулм қилма ҳеч қачон,
Зулм оқибати фақат пушаймон.
Сен ухларсан, мазлум сенга тилар дор,
Мазлумки бедорми, Аллоҳ ҳам бедор.

* * *

Золим зулм қилса, кезиб юртма-юрт,
Ёмонлиғи ортса ҳудми ё беҳуд,
Вақтга ҳавола қил, у топкай жазо,
Кутмаган ерида юз берар бало.

Салафлардан баъзилари дерки:

— Заифларга зулм этма! Кучлилар ичида энг гуноҳлиси бўлурсан.

* * *

Абу Ҳурайра — Аллоҳ ундан рози бўлсин — шундай дейди:

— Золимнинг зулмидан эзилган ва қўрқув босган тувалоқ инида ётган жойида жон берар.

* * *

Тавротда шундай ёзилгандир:

— Қиёмат куни Сирот кўпригининг ортидан бир нидо келур:

— Эй барбар золимлар! Эй талончилар! Аллоҳ — азза ва жалла — (қудрати ва буюклиги ҳаққи) — қасам этдики, бугун бу кўприкдан ҳеч бир золим ўтолмайди.

* * *

Жобир — Аллоҳ ундан рози бўлсин! — ҳикоя қилади:

— Ҳабашистонга борган муҳожирлар қайтган чоғларида Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг саломи унинг устига ёғсин! — дедики:

— Ҳабашистонда энг кўп диққатингизни тортган ҳодисани менга айтиб беролмайсизми?

Қутайба ҳикоя қилди:

— Эй Аллоҳнинг Расули, биз бир кун бир ерда ўтирган эдик. Ёши ўтиброқ қолган бир хотин ёнимиздан ўтиб кетди. Бошида сув тўла катта бир кўзаси бор эди. Кетаётиб бир ёш йигит билан юзма-юз келди. Йигит бир қўлини хотиннинг кифтига қўйди. Сўнгра уни итариб юборди. Хотин чўккалаб қолди. Кўзаси синди. Бир зумда ўрнидан турди. Йигитга қараб шундай деди:

— Кўрасан сен, эй золим; Аллоҳ курси(АРШ)ни қуриб, барча инсонларни йиғган, қўлларинг ва оёқларинг гапирадиган ва эгасининг қилган ишлари ҳақида гувоҳлик берадиган замон келади!.. Кўрасан, эртага (қиёмат куни) сенинг ва менинг ҳолимиз қандай бўлишини!..

Шунда пайғамбаримиз буюрдиларки:

— Кучлиларидан заифларининг ҳаққини олиб бермайдиган миллатни Аллоҳ қандай қилиб азиз этсин!..

* * *

Яна Аллоҳ Расули бошқа бир ҳадисларида шундай буюрдилар:

— Беш кишига Аллоҳ — жалла жалолаҳу — ғазаб қилади. Ҳоҳласа, бу ғазабини дунёда кўрсатади. Ҳоҳламаса, охиратда уларни жаҳаннамга отади. Булар:

1. Қўл остидагилардан ўз ҳаққини олгани ҳолда ўзи уларга нисбатан одил бўлмаган ва ё қўл остидагилар зулмга дучор бўлганда зулмни улардан дафъ этмаган ҳукмдор.

2. Ҳалқ ўзига итоат этгани ҳолда қучлилар ва заифлар орасида одил муомала қила олмаган, беҳуда ва лузумсиз гаплар билан вақт ўтказиб юрган аркони давлат.

3. Оила аъзоларига (хотини, болаларига) Аллоҳга итоат этишларини амр этмаган ва уларга диний бурчларини ўргатмаган оила бошлиғи.

4. Маош бериш тўғрисида битишиб одам ишлатган ва сўнг ҳақ тўламаган кишилар.

5. Меҳрини бермай хотинга зулм қилган эркак.

* * *

Абдуллоҳ ибн Салом — Аллоҳ ундан рози бўлсин! — дейдики:

— Оллоҳ маҳлуқотни яратди. Яратиклар оёққа турган чоғларида бошларини кўтариб Аллоҳга юзландилар ва:

— Эй, Раббимиз, Сен кимлар билан биргасан? — деб сўрадилар.

Аллоҳ буюрди:

— Ҳақи тўлангунга қадар мазлумлар билан биргаман.

* * *

Ваҳаб ибн Мунаббиҳ ҳикоя қилади:

— Золимлар ичра бир золим бир кўшк қурдирди. Кўшк гўзал қилиб безатилган эди. Шу орада ёши ўтиброқ қолган бир хотин келди. Кўшк яқинида золимнинг зулмидан қутулиш ниятида бир намозгоҳ қулба қурди. Кейин бир кун кўшк эгаси бўлмиш золим отига минди. Кўшкнинг атрофида айлана бошлади. Ёши ўтиб қолган хотиннинг қулбасини кўриб:

— Кимники бу? — деб сўради.

— Камбағал бир хотинники, шу еда кириб-чиқиб юради, — дейишди.

Золим уни бузиб ташлашларини буюрди ва қулба бузиб ташланди. Бироздан кейин хотин келди. Қулбасининг йиқитилганини кўриб:

— Ким бузди буни? — деб сўради.

— Кушк соҳиби кўрди, буздирди! — дедилар.

Хотин буни эшитганда бошини қўкка кўтарди ва:

— Эй, Раббим, масканимни бузишганда мен йўқ эдим. Аммо Сен қаерда эдинг? — деди.

Бу оҳни эшитган Аллоҳ, Жаброил алайҳиссаломга у кўшкни ичида ётганларнинг устига йиқитишни амр этди. Жаброил эса буйрукни ўрнига қўйиб адо этди.

* * *

Бармак ўғиллари қамоққа олинган* пайтда бир ўғил отасига шундай деди:

— Эй отажоним, шунча ОЛИЖАНОБЛИКдан кейин кишанга урилдик, қамоққа тушдик!.. Бу қанақаси?

Отаси шу жавобни берди:

— Эй ўғлим, бир мазлумнинг оҳи кечалари юриб чиқади. Менимча, биз бундан ғофил қолганмиз. Ҳолбуки, Аллоҳ ундан ғофил қолмади.

Эскиларнинг ҳикоя қилишича:

— Бир ҳукмдор бўлган эди. Боласини улғайтириш ва тарбиялаши учун бир лоло уни (эркак тарбиячи) олганди. Бола фазилат ва адабда камолга етганда лоло уни бир куни тутиб олиб сабабсиз-айбсиз урди. Бола шу туфайли лолосига кек сақлади. Отаси ўлиб, ўзи тахтга ўтганда лолони чақирди ва:

— Фалон пайтда, фалон жойда нима учун сабабсиз мени урган эдинг? — деди.

Лоло шу жавобни берди:

— Эй, ҳукмдор! Сенинг фазилат ва адабда камолга етганингни кўрганда, отангнинг ўлимидан кейин тахтга ўтиришга тайёр бўлганингни билдим. Сенга таёмингнинг зарбини ва зулмнинг аламини тоттириб қўймоқчи бўлдим. Токи, тахтга ўтирганингда ҳеч кимга зулм этмагайсан!

Бу жавобни эшитган ҳукмдор лолосига: «Аллоҳ сенга хайрлар берсин!» деди. Унга совға-эҳсонлар қилди ва уйига кузатиб қўйди.

Миразиз АЪЗАМ таржимаси

***) Бармак ўғиллари аслан балхлик олижаноб турк оиласи эди. Аббосий Ислом салтанатининг қурилишида бу оиланинг катта хизмати бўлган эди. Ўша пайтларда дарҳол мусулмонликни қабул қилган барча турклар каби булар ҳам Ислом давлатининг ҳарбий, иқтисодий-сиёсий, илмий-техникавий соҳалари юксалиши учун бор кучлари билан ишлаган эдилар. Халифа Хорун Рашид, олдинига бу оила аъзоларига давлат идорасидан муносиб вазифаларни берган, ўзига ўқитувчилик қилган Бармак ўғлининг ўғлига (Яҳёга) вазирлик, кейин Яҳёнинг ўғилларига ҳам бошқа катта амалларни топширган эди. Лекин кейин — ҳозиргача аниқланмаган айрим сабабларга кўра — бу оила аъзоларидан аччиқланган, баъзиларини қатл эттирган, баъзиларини зиндонга ташлаттирган, бойликларини мусодара қилдирганди.**

Йамон ОРИЙКОН (Ҳозирги замон турк олими).

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ И ПРЕДПРИЯТИЙ — ЭМИТЕНТОВ И ДЕРЖАТЕЛЕЙ ВЕКСЕЛЕЙ!

НАЦИОНАЛЬНАЯ СТРАХОВАЯ КОМПАНИЯ
"УЗБЕКИНВЕСТ"
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ПРЕДЛАГАЕТ

новый вид страховых услуг, широко применяемый в международной практике:

СТРАХОВАНИЕ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ВЕКСЕЛЕДАТЕЛЯ

Объектом страхования служит риск несвоевременного погашения векселя. При наступлении страхового случая, "Узбекинвест" — гарантирует векселедержателю возмещение в пределах номинала векселя.

Страховой полис "Узбекинвеста" не только защитит Вас от риска платежа, но и устранит причины для беспокойства о ликвидности Вашего векселя.

С "УЗБЕКИНВЕСТОМ" ВЫ НЕУЯЗВИМЫ!

телефоны компании: 33-16-79; 33-05-46

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти қуйидаги китобларни нашрга тайёрламоқда ва уларга ташкилотлар, шахслардан буюртмалар қабул қилади

1. «Темур тузуклари». Ўзбек, инглиз, рус ва форс тилларида.

28 б.т., 15.000 нусха. Тахминий баҳоси 107 сўм.

2. М. Қодиров. «Темур ва темурийлар даври томоша санъатлари». Ўзб. т.,

5,5 б.т., 5 000 нусха. Тахминий баҳоси 40 сўм.

3. М. Ашрафий. «Темур ва Улуғбек даври Самарқанд миниатюраси».

Кичик албом. Ўзб.т., 4 б.т. , 5 000 нусха.

Тахминий баҳоси 100 сўм.

4. Ф. Сулаймонова. «Навоий ва Беҳзод». Кенгайтирилган буклет. Ўзб., инг., ва фран. тилларида. 2 б. т. , 5 000 нусха.

Тахминий баҳоси 75 сўм.

5. М. Али. «Сарбадорлар». Роман. 1 ва 2 китоблар. 17 ва 13 б. т., Ўзб. т., 15. 000 нусха. Тахминий баҳоси 60 сўмдан.

6. Тўплам. «Ўзбек халқ эртаклари». 2-жилд. 20 б.т., 20.000 нусха.

Тахминий баҳоси 35 сўм

Кўнгилдан лавҳа

БОЛАЛИК ВА УМР

Одамзот, бу фоний дунёда умргузаронлик қилар экансан, ёшинг ўтган сайин умрнинг оқар дарё, дунёнинг фоний эканлигини англаб бораверасан. Гоҳо, бахтли кунлар оғушида бўлиб, гўё бутун умр шундай яшаб ўтадигандай ҳис қиларкансан ўзингни. Болаликнинг гулгун кунлари, ўспиринлик ва балоғат онларининг завқли дамлари ва ҳоказо кунларни хотирлаш инсонга таскин бўлиб боравераркан. Ҳаётнинг, турмуш ташвишларининг ўзига яраша бир муқкулотлари борки, одам ёлғиз қолгинг, ҳар қандай шовқин-сурон ва ҳатто энг ёқтирган куй-қўшиқлардан-да кечиб, баланд, кимсасиз тоғларга чиқиб кетгинг келади. Ёки, минг хил ўй-хаёллар билан келаётганингда бир тўп, 5-10 яшар болаларнинг беташвиш, шўх-ҳандон юришларига кўзинг тушади. Беихтиёр, бошдаги турмуш ташвишлари болаликнинг ширин даврларига етаклайди. Уларга қараб тўймайсан киши.

Қандай мазза! Уларда ташвиш йўқ! Уларнинг қалбида фақат орзулар қанот қоқади холос. Ширин-ширин орзулар! Шунда фалакнинг гардиши бир айланиб болаликка кетиб қолгинг, унинг ширин, бетакрор онларидан баҳра олгинг келади. Болаликнинг осуда сўқмоқлари кўз олдингдан бир-бир ўтаверади.

Ҳа, умр оқар дарё. Мана умрнинг олтин зарварақларидан яна бири ўтиб кетди. У шунчалар тез ўтдики, пайқамай ҳам қолдик. Саъдий Шерозий ҳазратлари бекорга куюнмаган эканлар:

«Онадан туғилдим бордим бозорга,
Кафанлик олдиму кирдим мозорга»— деб.

Бу сўзларнинг тагида қанчалар маъно бор.

Мен эса, ҳали ҳануз болаликнинг ширин дамларини эслаб қоламан. Айниқса бошим узра йил айланиб ўз якунига етганда. Негадир, ушбу мисралар тилимга келаверади. Кимсасиз жойларга чиқиб, уни баралла ўқигим келади. Мен уни сизга ҳам илиндим:

Йиллар ўтаверар қувлаб бир-бирин
Менинг умидимга ташлаб кўз қирин.
Бахтиёр эсамда покиза, ширин
Қайтиб кетгим келар болалигимга.

Қани дилнинг ғубор билмаган они,
Қани табассумнинг мағрур имкони?!
Хотирам чулғаган қадим маконим—
Қайтиб кетгим келар болалигимга!

Озод КАРИМОВ,
1-Тошкент педагогика билим юрти ўқитувчиси

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган
Буюртма: Г — 042.
3341 нусхада босилди
Сотувда нархи эркин
Ҳажми 2 босма табоқ
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди

Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32. Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи муҳаррир — Бахтиёр АҲМЕДОВ
123456